БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 1 июнь Жума
№ 103. (13.539). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •



Наманган ипакчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида қайта жиҳозлаш ишлари давом эттирилмоқда. Ҳозирги кунда тўқув, йигирув цехларида, пардозлаш фабрикасида замонавий ускуналар ўрнатилиб, уларни синаб кўриш амалга оширилмоқда. Корхона зиммасида 15 миллион сўмлик капитал маблағларни ўзлаштириш вазифаси турибди. Бу эса шу йилнинг ўзидаёқ харидоргир газламаларни ишлаб чиқаришни сезиларли даражада ўстириш имконини беради. Қайта жиҳозлаш натижасида корхона ҳар йили 33 миллион сўмлик соф фойда ола бошлайди.

Суратда: бирлашманинг илғор тўқувчиси Азима Ботирова. Азима Наманган тўқимачилик техникумини тамомлаган. У ҳозирда корхонанинг тўқув цехида ғайрат билан ишлаб, тенгдошларига ўрнак кўрсатмоқда.

А. КОВТУН олган сурат (ЎзТАГ).

СССР Президентининг Канадага ташрифи

ОТТАВА, 30 май. (ТАСС махсус мухбирлари). Канада пойтахти давлат ташрифи билан бу ерга келган СССР Президенти М. С. Горбачевни меҳмондўстлик билан кутиб олди. Марказий кўчалар Совет ва Канада байроқлари, совет рамзлари туширилган табрик транспарантлари билан безатилган. Ташриф маҳаллий газеталарда ва телевидение орқали кенг шарҳланмоқда, у ҳақда олий мартабали сиёсатчилар ва оддий канадаликлар гапирмоқдалар. Олий даражадаги Совет-Канада учрашувини ёритиш учун Оттавага кўплаб журналистлар келишди. Матбуот марказининг маълумотларига кўра, жами Канада, Совет Иттифоқи ва яна йигирмата давлатдан 700 га яқин репортёр келган.

Журналистларнинг юмушлари етарли: 29 соатлик ташриф тигиз программада ўз аксини топган. Аэродромдан келиш биланоқ Совет ва Канада раҳбарларининг учрашувлари ҳамда суҳбатлари бошланди. Кейинги вақтда икки давлат ўртасидаги сиёсий, амалий, маданий мулоқот тобора кучайиб бормоқда. Совет Иттифоқи билан Канаданинг иқтисодий системалари ва сиёсий анъаналари турлича бўлишига қарамасдан, улар кўпгина умумий жиҳатларга эга. СССР ва Канада Арктикада қўшнидирлар, жуғрофий жиҳатдан кўпгина ўхшашликларга эга. Уларнинг энг муҳим халқаро муаммоларни ҳал этишга ёндашувларида ўхшашлик тобора сезилмоқда. Буларнинг ҳаммаси олий даражадаги учрашувлар чоғида ҳамкорликни чуқурлаштириш ва ўзаро бир фикрга келишни қатъиян тақозо этмоқда.

...Автомобиллар кортежи тошдан ясалган ва бахмал билан ўраб қўйилган чорпоқ бино олдига келиб тўхтайди. Бу Сассекс-драйв кўчаси 24-уйда жойлашган Канада ҳукумат бошлиғининг борғоҳидир. М. С. Горбачев билан Р. М. Горбачевани Канада Бош вазири Брайан Малруни ва унинг рафиқаси Мила Малруни кутиб оладилар. Улар меҳмонларни норасмий нонуштага таклиф этишган. Боргоҳга кираверишда тўпланган журналистлар Совет раҳбарига саволлар ёғдирадилар. Уларни Москвада кейинги вақтда рўй берган сиёсий воқеалар, Канада таассуротлари қизиқтирмоқда. М. С. Горбачев ана шу саволларга жавоб қайтарди.

Навбатдаги учрашув Канада генерал-губернатори Р. Хнатишин билан бўлиб ўтди. Ана шу машҳур сиёсий арбоб, асли украин бўлган канадалик шу йилнинг бошларида амалда давлат бошлиғи (Англия қироличаси Канада давлатининг расмий бошлиғи бўлиб қолмоқда) лавозимини эгаллади. М. С. Горбачев билан Р. Хнатишин ўртасида суҳбат бўлиб ўтди.

Совет делегациясининг катта қисми канадалик академик қасрни эслатувчи «Шато Лорье» меҳмонхонаси олдидаги одатдан ташқари гавжумлик шу кунларда Канада пойтахтида катта воқеа содир бўлаётганлигидан далолат беради. Кўпгина канадаликлар совет кишилари билан учрашиш ва гаплашиш фурсатидан фойдаланмоқдалар. «Горбачев улуғвор ишларни амалга оширмоқда, — дейди ТАСС мухбирига Торонто шаҳридан келган кекса канадалик Жон Дюбид. — Сизларнинг мамлакатингизда муаммолар борлигига келсак, улар кимда йўқ?» «Мен Горбачевнинг ҳозирги сафари сингари ташрифлар тез-тез бўлаётганлигидан ғоят мамнунман, деб суҳбатга қўшилади меҳмонхонага канадалик рафиқаси билан келган ёш америкалик Гэри Крей. — Музокаралар олиб борилганда ўзаро ишонч юзага келади, қўрқув барҳам топади».

Кечқурун М. С. Горбачев рафиқаси билан Оттава марказидаги пиёдалар юрадиган энг кўркам кўчалардан бири — Спаркс-Стрит кўчаси бўйлаб сайр қилди. Зотан, буни сайр дейиш қийин, чунки Совет раҳбарини мунтазам одамларнинг қалин халқаси қуршаб олар эди.

...Юзлаб табассумли чеҳралар, ўнлаб табрикловчи қўллар. «Хуш келибсиз, Президент Горбачев», «Бизнинг ҳузуримизга келинг, Михаил Сергеевич, бизнинг ҳузуримизга!» каби хитоб сўзлари инглиз тилидагина эмас, шу билан бирга рус тилида ҳам янгради: канадаликлар орасида авлодлари асли россиялик ва украинлик кишилар анчагина. Суҳбат бир дақиқа ҳам тўхтамайди. Спаркс-Стрит кўчасига тўпланган кишиларнинг кўпчилиги — ёшлардир ва ёш авлоднинг ташвишлари ва орзу-умидлари суҳбатдаги асосий мавзулардан бирига айланиши бутунлай тушунарлидир. Оттавадаги бизнес мактабининг талабаси Роберт Крейг М. С. Горбачевга ўқиш учун қанча ҳақ тўлашига тўғри келаётганлиги ҳақида сўзлаб беради. Италиялик Марицио Кьоччи билан суҳбатда ёш оиланинг муаммолари тўғрисида гап боради. Совет раҳбари унинг жанубликэканини бехато айтади. Совет Иттифоқи, у ерда амалга оширилаётган қайта қуриш ҳақида канадалик ёшларнинг фикри қандай? — деб сўрайди М. С. Горбачев. «Биз сизларни қўллаб—қувватлаймиз», — деб жавоб беришади унинг қаршисида турган йигит ва қиз.

Ёш авлоднинг вакилларидан бу сўзни эшитиш мен учун айниқса ёқимлидир, дейди Совет раҳбари. Жамият ҳаётида ёшларнинг мавқеи тўғрисида қизғин суҳбат бошланади.

...«Ассалом, Горбачев» — ушбу сўзлар эндигина рус тилини ўргана бошлаган йигит кўтариб олган плакатда йирик ҳарфлар билан рус тилида ёзилган. Оттаваликлардан бири учрашувга олдиндан тайёргарлик кўрган: у кўксида «Горбачев» сўзи ёзилган ва Совет герби туширилган ёзги кўйлак кийиб олган. Учрашувларнинг қатнашчилари самимий хушнудликни намойиш қиладилар. Кўпчилик Президентни ўз хонадонига меҳмонга таклиф этади. Бир гуруҳ студентлар «Ҳамиша бўлсин қуёш» қўшиғининг сўзларини дона-дона қилиб рус тилида куйладилар.

М. С. Горбачев деярли ҳар бир қадамда ўз ишига муваффақиятлар, Канада ва АҚШда самарали музокаралар олиб боришни тилаб билдирилган самимий сўзларни эшитади.

Валентин ВАСИЛЕЦ,
Юрий КИРИЛЬЧЕНКО,
Андрей ШИТОВ.

МЕҲР-МУҲАББАТИМИЗНИ ДАРИҒ ТУТМАЙЛИК!

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ БОЛАЛАР ФОНДИ УЗБЕКИСТОН БУЛИМИ ТАШАББУСИ БИЛАН БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИГА БАҒИШЛАБ УТКАЗИЛГАН ОИЛАЛАР УЧРАШУВИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ОТА-ОНАЛАР ЖАМОАТЧИЛИГИГА ҚАБУЛ ҚИЛГАН МУРОЖААТИ

Ўзбек халқи — болажон халқ. Ҳар бир она ўз дилбандини кўз қорачиғидай асрайди, меҳр-муҳаббатини ундан дариғ тутмайди. Ўзи емаса емайдики, фарзандини тўйдиришга ошиқади. Авлод-аждодларимиздан ўтиб келаётган бу анъана янада бойиб бориши зарур.

Муҳтарама онанинг кўнгли ҳамиша болада деб бежиз айтмаймиз. Уруш йилларида оч, юпун, етим-есирларни тарбиямизга олиб, уларга меҳримизни, қалб қўримизни берганмиз. Байналмилал халқларнинг минглаб фарзандлари ана шу меҳр, садоқат ва шафқат руҳида тарбия топдилар.

Биз меҳри қуёш оналар фарзанд учун жон-жаҳонимизни қурбон қилишга тайёрмиз. Коммунистик партия, совет, касаба уюшмалари ташкилотлари биз оналарни ҳамиша қўллаб-қувватлаётир. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишга яқиндан ёрдам бераётир.

Ўзбекистон Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг бу борада қабул қилаётган фармонлари дилимиз тўридан жой олаётганлиги шундан. Ўғлонларимизни бундан буён жумҳуриятимиз ва Ўрта Осиё миз ҳудудида қурилиш батальонларида хизмат қилиши ҳақидаги куни кечаги фармон бизларга катта далда берди. Ана шу фармонларни тўла-тўкис бажариш эса сиз ва биз волидаи муҳтарамаларнинг ғайрати, шижоати ва изланишига боғлиқ.

Лекин жумҳурият ҳудудида оналар ва болаларга дахлдор муаммолар жуда кўп. Она, мўътабар ва меҳрибон оналарнинг юрагини зада қилаётган нохуш воқеалар — асрлар, йиллар мобайнида ёнма-ён яшаб, меҳнат қилган халқларнинг бир-бирига қўл кўтариши, Орол фожиаси, Оролбўйидаги ва жумҳуриятимиз атроф-муҳитини муҳофаза қилиш борасидаги муаммолар, фарзандларимизнинг Совет Армияси сафидан ярим жон ва ҳалок бўлиб келаётганлиги дилларимизни ўртамоқда. Бундай фожиаларга сира йўл қўйиб бўлмайди. Юртимиз осмони мусаффо, ҳаётимиз осуда, турмушимиз фаровон, фарзандларимиз билимдон, гўзал, соғлом ва меҳнаткаш бўлишини истаймиз.

Биз ҳамиша «Ҳамма яхши нарсалар — болаларга!» каби баландпарвоз шиорлардан таскин топиб, ўз-ўзимизни юпатиб келдик. Аммо болалар ризқ-насибасини чегириб қолаётганларни қаттиқ жазолашдан андиша қилдик. Уларнинг бу қилмишларини кўриб кўрмаганга олдик. Кимлар зору, кимларга хор бўлаётган ота-онасиз болалар сони тобора ортиб бормоқда. Ўз фарзандларини тақдир ҳукмига ташлаб қўйган ота-оналар билан ишимиз бўлмай қолди.

Энди бундай яшаб бўлмайди. Ахир оталик ва оналик меҳрига тенг келадиган нарса йўқ. Меҳр танқис бўлган жойда қут-барака кўтарилади, оқибат йўқолади. Болаларимизнинг эркин ва ҳалол ўсиши, меҳнаткаш элга, заминга садоқат руҳида тарбияланиши учун курашайлик. Турмуш ташвишларига дош беролмай, енгил-елпи ҳаётга ўрганган, норасида гўдагини туғруқхоналарга, болалар уйларига ва бошқа жойларга ташлаб кетаётган ёшларга талабчан бўлайлик. Уларнинг ўз фарзандлари олдидаги масъулиятларини оширайлик, тўғри йўлга солиб юбориш учун куч-ғайратимиз, тажрибамизни аямайлик. Меҳримиз, муҳаббатимиз, ширин каломимиз уларга. Биз оналар, биз оталар болаларимизга бағримизни қанчалик кенг қилсак, ўсиб келаётган авлод ҳақида қайғурсак, уларни тўғри, ҳалол ва бахтли йўллардан олиб юрсак жамиятимиз шунчалик соғ, бадавлат ва бақувват бўлади.

Меҳри-муҳаббатимизни ҳаётимиз гуллари — фарзандларимиздан дариғ тутмайлик, азиз ота-оналар! Сиз билан бизларнинг сўзимиз юрт сўзидир, она — Ватан сўзидир!

ИЖАРА САМАРАСИ

РИШТОН ноҳия бўрдоқичилик хўжалигининг яна тўртта бригадаси қорамоллар тўдасини ижарага олди. Корхонада меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги усулини қўллашда кашшоф бўлган Т. Усмонов коллективининг намунаси уларга қаттиқ таъсир қилди.

Ўтган йили Т. Усмонов ўзининг тўрт нафар ўртоғи билан 600 га яқин жониворни бўрдоқига боқиш ниятида ижарага олганди.

Молларни меҳр билан парваришлаш, овқатлантириш тартибига қатъий риоя этиш, ходимларнинг пировард натижаларидан моддий манфаатдорлиги ажойиб самара берди. Моллар пландагига нисбатан семира бошлади. Ижарачилар ўтган мавсумда давлатга шартномада мўлжаллангандан 24 тонна кўп, яъни 100 тоннадан ортиқ гўшт топширдилар. Ўзлари ҳам яхши пул топдилар.

СССР Президенти журналистлар билан суҳбатлашди

ОТТАВА, 30 май. (ТАСС). СССР Президентининг Канада Бош вазири Б. Малруни билан учрашуви бошланиши олдидан унинг боргоҳига кираверишда журналистлар М. С. Горбачевга саволлар билан мурожаат қилдилар.

САВОЛ: Жаноб Горбачев, Сиз жаноб Ельцин сайланганлигидан ташвишланаяпсизми?

ЖАВОБ: Мени съездда вужудга келган вазият ташвишлантирмоқда. Ўзига хос мухолифлик пайдо бўлди, бу эса масалаларни ҳал этишга таъсир кўрсатмоқда. Телевидение орқали кўриб турган бўлсангиз, аслида Олий Шўро Раисини сайлаш воқеаси бир неча кун давом этди. Умуман мухолифлар орасида депутатларнинг асосий кўпчилигини бирлаштира оладиган киши топилмай қолди. Ўзига хос ён босиш тақозо этилган вазият вужудга келди. Бу эса депутатларни ҳам, россияликларни ҳам ташвишлантирди: улкан, қийин масалаларни ҳал этиш керак, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик зарур, бу ерда эса мухолифлик юзага келди. Бу ҳаммани ғоят ташвишлантирди ва қай тариқа жипслашишга эришиш тўғрисида мунозара борди. Съезд муносабати билан мени ташвишлантираётган биринчи нарса асосан мана шудир.

Эътибор берган бўлсангиз, ўртоқ Ельцин учинчи марта ўтказилган сайловда овозларни бир мунча кўпайтиришга ва бироз устунликка эришишга муваффақ бўлди. Шунинг учун Россия съезди муносабати билан энг долзарб муаммо — ана шу улкан республикамиз олдида турган барча муаммоларни ҳал этиш ва ишлаб чиқиш учун куч-ғайратларни бирлаштиришдир.

Ўртоқ Ельцин кейинги кунларда социалистик йўлга нисбатан ўз позициясини тушунтириб беришига тўғри келди. У ўз позицияси билан СССР Президентининг позицияси ўртасида тафовут йўқлигини айтди. Ундан Совет Иттифоқининг тараққиёти истиқболларига ҳамда халқларимиз ҳамдўстлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда Россия Федерациясининг мавқеига нисбатан ўз позициясини аниқлаб беришни ҳам сўрадилар. Ундан Президент ва Иттифоқ ҳукумати билан самарали ва баҳамжиҳат ҳамкорлик қила оласизми, деб сўрадилар. Ижобий жавоб қайтарилди. Ниҳоят, у съезд доирасида юзага келган барча оқимларни бирлаштириш, Россия олдида турган муаммоларни ҳал этиш зарурлигини ёқлаб гапирди.

Агар бу сиёсий найранг бўлмаса, бир неча кун ичида яхши томонга анча жиддий тузатишлар киритилди, агар бу жиддий сиёсий позиция бўлса, унда фақат самара бўлади. Агар бу сиёсий найранг бўлса, унда янада қийин пайтлар бўлиши мумкин. Осон бўлмайди. Омон бўлсак — кўрамиз. Ҳаёт барча устозлар ва имтиҳон қилувчилардан устунроқдир.

САВОЛ: Михаил Сергеевич, Канадага иккинчи марта келишингиз муносабати билан қандай туйғуларни бошдан кечираяпсиз?

ЖАВОБ: Яхши туйғуларни... Мен ҳатто генерал-губернатор билан машинада борар эканман, канадаликлардан — ҳеч бўлмаганда Оттава аҳолисидан намуна олиш лозим деб айтдим. Мен ҳали мамлакат раҳбарларидан ташқари ҳеч ким билан мулоқотда бўлмадим. Бироқ бўлиб ўтган мулоқотлардан зўр таассурот олдим ва яхши хотиралар қолди. Канадаликлар ўзларининг ҳаётга муносабати, жиддийлиги, меҳнатсеварлиги билан менга манзурдирлар. Аммо ўйлайманки, ҳали улар ҳақида яна таассуротларга эга бўламан. Улар тўғрисида сизларга кейинчалик сўзлаб бераман. Ҳар ҳолда мен суҳбатлашиш учун эмас, балки музокаралар олиб бориш учун бу ерга келганман.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВАЗИРЛАР КЕНГАШИДА

Ҳукумат 1990 йил 16 апрелда қабул қилган «Халқ истеъмоли молларининг бир қанча турларини Ўзбекистон ССРдан ташқарига олиб чиқиб кетишни чеклаш тўғрисида»ги қарорига қўшимча қабул қилди.

Қорақалпоғистон АССР вазирлар Кенгашига ва жойлардаги вилоят ижроия қўмиталарига аниқ вазиятдан келиб чиқиб, жумҳуриятдан ташқарига жамоат ва хусусий секторларда етиштирилган картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари ҳўл мева, резавор мева ва узумни олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги масалаларни зудлик билан кўриб чиқишни топширди. 1990 йил ҳосилини етиштириш ва тайёрлашнинг кутилаётган баланси албатта ҳисобга олинади.

Ҳукумат колхоз, совхоз ва бошқа давлат ҳамда кооператив корхоналар меҳнатчиларининг, ижарачилар, хусусий ёрдамчи хўжалик эгаларининг истагини инобатга олиб, ана шундай қарор қабул қилди. Бунда эртанги мева ва сабзавот олиб келиниши кўпайиши кутилаётгани ҳисобга олинди, уларни ўз вақтида сотиш учун зарур шароитлар, етиштирилган маҳсулотнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик кўзда тутилди.

Ҳар бир ҳолда маҳсулот олиб чиқиб кетиш учун рухсатнома Қорақалпоғистон АССР Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети, «Ўзбекистон» жумҳурият ишлаб чиқариш давлат-кооператив бирлашмаси ва Ўзбекбирлашув томонидан берилади. Бунда умумиттифоқ ва жумҳурият фондига маҳсулот етказиб бериш планларининг бажарилиши, қайта ишлаш корхоналарининг ишлаб чиқариш программалари таъминланиши, бозор нархларининг аҳолининг қурби етадиган даражада пасайтирилишини таъминлайдиган ҳажмда ва турдаги шундай маҳсулотлар билан бозорни тўлдириш мажбурий шартлардир.

Жумҳуриятдан ташқарига мева-сабзавот маҳсулотларини жўнатишга пландан ташқари маҳсулот ресурслари мавжуд бўлган тақдирда, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотлари, бинокорлик материаллари ва бошқа материал-техника ресурслари билан ўзаро алмашиш учун рухсат берилади. Амалда олиб чиқиб кетилган маҳсулот ҳажмлари маҳсулот тайёрлаш ва етказиб бериш планларининг бажарилишига киритилади.

Чайқовчиликка йўл қўймаслик мақсадида мева ва сабзавотларни воситачи ва кооператив ташкилотлар олиб чиқиб кетиши тақиқланди. Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлигига мазкур маҳсулотнинг жумҳуриятдан ташқарига олиб чиқиб кетилиши тартибига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш вазифаси юкланди.

Бу ҳужжатда қайд этилишича, «Халқ истеъмоли молларининг бир қанча турларини Ўзбекистон ССРдан ташқарига олиб чиқиб кетишни чеклаш тўғрисида»ги қарор қабул қилинганидан сўнг Тошкент, вилоят марказлари ва жумҳуриятнинг бошқа шаҳарларидаги бозорларга мева ва сабзавотларнинг кўплаб турлари келиши анча кўпайди, шунга мувофиқ нархлар ҳам пасайди.

Халқ истеъмол моллари бир қанча турларининг олиб чиқиб кетилиши анча тартибга солинди. Масалан, мева-сабзавот маҳсулотлари, асал, гуруч, бинокорлик материаллари ва бошқа молларни жўнатишга кўплаб уринишларнинг пайи қирқилди.

Шундай қилиб, мазкур қарор чиққан вақтдан буён ўтган давр мобайнида автомобиль йўлларида, темир йўл вокзалларида, аэропортларда уч юзта ана шундай уриниш аниқланган ва жумҳурият бозорларига 1300 минг сўмлик турли моллар, шу жумладан 131 минг сўмлик 125 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулоти, 190 минг сўмлик бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, 959 минг сўмлик саноат моллари қайтариб берилган.

Маҳаллий Шўролар, Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлигининг ходимлари жойларда чайқовчиликка йўл қўймаслик чора-тадбирларини кучайтиришлари керак.

Айни вақтда Ўзбекбирлашув корхоналари ва жумҳурият давлат қишлоқ хўжалиги кооперативлари комитети ташкилотларига аҳолидан ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўз вақтида харид қилиб, ўзаро фойдали шартномалар асосида жўнатишни ташкил этиб, бу ишда сансалорлик ва қийинчиликларга йўл қўймаслик учун барча шарт-шароитларни яратиб беришлари керак.

Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти вазирлиги, граждан авиацияси бошқармаси маҳсулотни олиб чиқиб кетиш борасида ўрнатилган тартибга қатъий риоя қилишлари, мижозларни транспорт воситалари билан ўз вақтида таъминлашлари, жўнатиш пунктларида ва йўлда маҳсулот тўпланиб қолиши ва бузилишига йўл қўймасликлари шарт.

Демократия, тил ва эътиқод

Муштарийлар хатларини ўқиб

РЎЗНОМА ва жариданинг тўлақонлилиги, ўқимишлилиги, мавзуларининг ранг-баранглиги манбаи — бу муштарийларнинг кунда редакцияга йўллайдиган мактублари. Тоғ жилғалари қўшилиб, серсув дарё ҳосил қилганидек, улар ҳам редакция муҳитига жумҳуриятимизнинг барча вилоят ва ноҳияларининг жўшқин нафасини олиб киради. Конвертлари ҳар хил бўлганидек, ҳар бир мактуб ҳам ўзига хос бир мавзуни кўтаради. Шу билан бирга ўзаро ҳамнафаслик, ўхшашлик ҳам мавжуд бўлиши табиийдир.

Мана, иш столимиз устида жамоатчи мухбирларимиз, муштарийларимиздан келган хатлар. Уларни шартли уч қисмга ажратиб, хатлар устида қисқача фикр юритмоқчимиз.

Биринчи қисм — бу жумҳуриятимизда ўтган Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ҳамда маҳаллий Шўролар сайловларига қандай тараддуд кўрилганлиги, муқобиллилик асосида номзодлар сайланганлиги, жумҳурият Олий Шўроси сессияси — хуллас демократиянинг турмушимизда қарор топишининг дастлабки қадамлари ҳақида ёзилган. Жумладан, номзодлар ва депутатлар тўғрисида Тошкент вилояти Оққўрғон ноҳиясидан М. Қулматов, Наманган вилояти, Чуст ноҳиясидан Ю. Мирзаев, Т. Толипов, Сурхондарё вилояти Ангор ноҳиясидан А. Тўхтаев, Қашқадарё вилояти Чироқчи ноҳиясидан С. Эсонмуродов, Б. Бобораҳимов, Муборак ноҳиясидан М. Каримов, Деҳқонобод ноҳиясидан С. Эгамшукуров, Сирдарё вилояти Гулистон ноҳиясидан М. Холматова, Бухоро вилоятидан Т. Абдураҳмонов ва бошқалар хат-хабарлар йўллашган.

«Ўзбекистон ССР Олий Шўросининг бу галги сессияси аввалгиларидан кескин фарқ қилди, — деб ёзади Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз ноҳиясидаги А. Қодирий номли мактаб ўқитувчиси Бозор Алиқулов. — Энг аҳамиятлилиги шундаки, сессия ишининг ойнаи-жаҳон орқали намойиш қилиниши (биринчи маротаба) жумҳуриятимизда ошкоралик ва демократия қарор топаётганлигининг муҳим ифодаси бўлди. Халқ ўзи сайлаган вакилларининг нималарга қодир эканликларини кўриш имкониятига эга бўлдилар ва депутатлар ҳам ўзларида катта масъулият ҳис этдилар».

Редакциямизга муштарийлардан сессия тўғрисида келган кўпчилик хатлар ана шундай руҳда ёзилган. Бу ўринда барча хат муаллифларини номма-ном кўрсатиб ўтишнинг иложи йўқ. Шундан айримларини санаб ўтмоқчимиз. Жумладан, Бухоро вилояти Қоракўл шаҳридан А. Ҳамроев, Урганч шаҳридан уруш ва меҳнат ветерани К. Абдуллаев, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон шаҳридан Х. Бобомуродов, Наманган вилояти Поп ноҳиясидан Ш. Холдоров, Фарғона вилояти, Киров ноҳиясидан А. Абдуллаев, Бухоро шаҳридан Ш. Назаров, Тожикистон ССР Ленинобод вилоятидан А. Жўраевлар ўз фикр-мулоҳазаларини, айрим депутатларга миннатдорчилик ҳамда маълум маънода улар фаолиятига танқидий фикр-мулоҳазалар изҳор этишган. Жамоатчи мухбирларимиздан Когон шаҳридан М. Абдуллаева, Самарқанд вилоятидан И. Очилов, Иштихон ноҳиясидан А. Кубаев, Фарғона вилояти Киров ноҳиясидан А. Худойбердиев, Татаристон мухтор жумҳурияти Қозон шаҳридан А. Ҳамроқулов, Тошкент шаҳридан Э. Эшонқулов, Қарши шаҳридан И. Абдураҳимов, Муборак шаҳридан Р. Назиров ўртоқлар ҳам ўз хат-хабарларида депутатлар ва унга номзодлар фаолияти ҳақида фикр юритганлар.

«Ошкоралик, қайта қуриш даври она тилимизнинг равнақи учун кенг йўл очиб берганлиги қувончлидир, — деб ёзади ўз мақоласида тошкентлик пенсионер ишчи Т. Каримов.— Назаримда, тилимизни ривожлантириш, унинг ҳурматини оширишни аввало жумҳуриятимиздаги маъмурий идораларда давлат тилида иш юритишни йўлга қўйишдан бошламоқ керак. Агар улар ташаббускорлик кўрсатишмаса, иш олға қараб силжиши мушкул бўлади...».

Тўғри, давлат тилини рўёбга чиқаришда маълум ишлар амалга оширилаяпти. Лекин бу соҳадаги сусткашлик кўпчиликнинг жиғига тегаётгани аён. Чунки кўпгина жойларда ҳамон иш юритиш, ҳатто маблағ талаб қилмайдиган йиғилиш ҳам эскича — рус тилида ўтказилиб келинаяпти. Муштарийларимизнинг йўллаган кўпчилик хатлари ана шунга доирдир. Масалан, бу Жиззах вилоятидан О. Эрхонова, Ҳ. Бозорова, Сирдарё вилояти Ғаллаорол ноҳиясидан Ш. Мингяшарова ва бошқалар йўллаган хатларидан яққол кўриниб турибди.

Қўлимиздаги хатларнинг учинчи туркуми— бу дин ва даҳрийлик мавзусидир. Уларда билдирилган фикрлар бир хил эмас, албатта. Лекин бу хатлар замирида бир нарса — ҳалоллик, поклик, эътиқод билан яшашга даъват фикри муштаракдир. Шундан баъзи бир хат муаллифлари асрлардан асрларга ўтиб келган, аҳлоқий принцип асоси бўлиб хизмат қилган миллий урф-одатларимиздан кенг фойдаланишга эътибор беришга даъват этганлар.

«Инсон ҳамиша тарбияга муҳтож, — деб ёзади Наманган вилояти Чортоқ ноҳияси Пешқўрғон қишлоғидан Т. Н. Қориниёзий номли 115-мактаб-интернат директори Оташ Ҳолмирзаев, — муллаларимиз жамият тақдирида катта роль ўйнашлари мумкин. Шу боис ҳам улар кўпроқ тарбия, одоб ва аҳлоқ, оила, қадрият, дўстлик, инсоният келажаги ҳақида гапирсалар соз бўларди. Инсон эркин яшаши керак. У кимга ва нимага эътиқод қўяди, шахсий иши деб ўйлайман».

«Ҳа, инсон кимгадир ишониб, кимгадир сиғиниб яшамоғи керак, — деб ёзади ўз хатида Қашқадарё Давлат педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти факультетининг биринчи курс толиби Ғайрат Абдуллаев. — Инсоннинг ишонадиган, сиғинадиган кимсаси ёхуд худоси бўлмаса, у ҳолда пулга, мол-давлатга ҳирс қўяди, шуларга сиғинади. Бор умрини гоҳ ҳалол, гоҳ ҳаром йўллар билан бўлсин, пул-у мол йиғишга бағишлайди».

Муштарийларимиздан Андижон шаҳридан А. Алматов, Наманган вилояти Чуст ноҳиясидан Г. Бегматова, Иркутск вилоятида ҳарбий хизмат бурчини ўтаётган Х. Шерматов, Сурхондарё вилояти Денов шаҳридан М. Юсупалиев, Бухоро вилояти Шофиркон ноҳиясидан Д. Тожиева, Тошкент шаҳридан Т. Норовлар йўллаган хатларда юқоридагига ўхшаш фикр-мулоҳазалар баён қилинган.

МАКТУБЛАР! Улар кундалик ҳаёт кўзгуси, фикрлар, таклифлар сарчашмаси. Бизга қимматли вақтларини аямай мактуб йўллаган барча муштарийларимизга сидқидилдан миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

«ЁШ ЛЕНИНЧИ» МАФКУРА БЎЛИМИ.

Долзарб мавзу

Гўзаллик нимада?

ЁХУД УНИ НАВОИЙЛИКЛАР ҚАНДАЙ ТУШУНИШАДИ?

ЎТТИЗ ЙИЛДАН бери бу шаҳар ҳақида фахр билан гапириб келмоқдамиз. Журналистлар Навоийни металлурглар, кимёгарлар, энергетиклар шаҳри, деб кўкларга кўтаришмоқда. Раҳбарлар Навоийни байналмилал шаҳар, дейишни хуш кўришади. Шоирлар эса Қизилкум бағридаги гўзал диёр, деб таъриф беришади. Чиндан ҳам бу таъриф-тавсифлар Навоий шаҳри шуҳратини узоқ-узоқларга олиб борди. Ҳатто, партия XXVI съездида Навоий Иттифоқнинг энг гўзал шаҳарлари қатори тилга олинди. Шундан кейин рўзномачи-ю шоирларга худо берди. Улар ҳар бир сатрга Қизилкум бағридаги гўзал шаҳар номини кирита бошладилар. Марказий матбуот ходимлари Ленинград лойиҳаси асосида бунёд этилган Навоий шаҳрини XX аср мўъжизасига қиёс этдилар.

Навоий шаҳрининг қурила бошлаганига чорак асрдан ошди. Қурилиш шу қадар жиддий суръатлар билан бордики, бу шаҳарнинг бош режасини бир неча бор қайта кўриб чиқиш тақозо этди. Шаҳарнинг 1957 йилда ишлаб чиқилган бош режаси 25 минг аҳоли яшайдиган посёлка қурилишини назарда тутар эди. 1961 йили лойиҳа қайта кўриб чиқилиб, 50 минг аҳолига мўлжалланган шаҳар бош режаси яратилди. Мазкур режа истиқболига кўра, шаҳарни қарийб 70 минг аҳоли яшайдиган даражагача кенгайтириш кўзда тутилган эди. 1975 йилга келиб шаҳардаги аҳоли сони режа истиқболидагидан ҳам ошди.

Шаҳар бундан илгари аҳоли яшамаган яйдоқ чўлда барпо этила борди. Шунинг учун ҳам архитекторларга, ишлаб чиқариш кучларига бўлган эҳтиёж ва шу билан боғлиқ бўлган бир қатор ижтимоий муаммоларни ҳисоблаб олишга тўғри келди. Шаҳарнинг аҳоли яшайдиган муҳити бу ерда шаклланажак аҳолининг жамики талабларига жавоб бериши, ўзига хос маҳаллий табиий иқлим шароитларига мос келиши керак эди. Шаҳар муҳитига баҳо беришда хонадонлар, уйлар, характеристикасигагина асосланиб қолмай, айни чоғда бутун шаҳар ободончилигига, хизмат кўрсатиш нуқталарининг ташкил этилишига, дам олиш шароитларининг мавжудлигига ҳам эътибор берилиш Навоий шаҳрини бунёд этишда қатъий инобатга олинган. Айрим бинолар, иншоотлар эмас, ягона архитектура асари — бутун бир шаҳар лойиҳачилар ижодий фаолиятининг бош объектига айланиб қолди.

Навоий шаҳрини барпо этишда — барча ишларни амалга оширувчи ягона ва барқарор муаллифлар жамоаси тузилганлиги, ягона ижодий раҳбарлик вужудга келтирилганлиги лойиҳалаш муддатларини қисқартириш имкониятларини берди.

Бундай ҳамкорлик бош режани ишлаб чиқишда ҳам, бинолар ҳамда иншоотларни лойиҳалашда ҳам юзага келадиган мушкулликларни зудлик билан ҳал этиш имкониятини бериб келяпти. Ташкилий ва техникавий муаммоларни ҳал этиш буюртмачилар билан қурувчилар ўртасидаги алоқаларни соддалаштирди. Навоий шаҳри қурилиш жараёнида бинолар ва иншоотларнинг типлари режалаштирилди. Шаҳарсозлик композициялари янада жозибалаша борди. Умумиттифоқ типовой лойиҳалари ўрнига махсус ишлаб чиқилган лойиҳалар туркуми кириб келди.

Мамлакатда биринчи бор Навоий шаҳри қурилишида тўрт қаватли уйлар мажмуасидан фойдаланиш режалари ишлаб чиқилди ва улардан кенг қўлланила бошланди. Бундай уйларнинг вазифа сифатлари маҳаллий шароитларга айнан мос тушганлигини даврнинг ўзи тасдиқлади. Конструктив чизмаларнинг соддалиги эса қурилиш технологияси талабларига бемалол жавоб берди.

Улар шаҳарнинг турар-жой муҳитини шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Навоий шаҳри марказини теварак-атрофга беқиёс зеб берувчи композиция асосида қурилган марказнинг дастлабки иншоотлари сифатида стадион ва очиқ сув ҳавзаси бўлган шаҳар парки барпо этилди. Шаҳар маркази аҳолига маданий-маиший, савдо ва бошқа турдаги хизмат кўрсатишга мўлжалланган бинолар билан шу қадар муносиб тўлдирилдики, бунда уларга нақлиёт воситалари қатновини таъминлаш алоҳида эътиборга олинди. Бугунги кунда шаҳар марказидаги «Фарҳод» маданият саройи, шаҳар боғи, марказий универсал дўкони, Навоий меҳмонхонаси, Сармиш ва «Вечерний» ресторанлари, «Феруза» қаҳвахонаси, турли савдо нуқталари, «Ўзбекистон дарёлари» деб номланган ҳайкалтарошлик композицияси ва бошқа жамоат иншоотлари шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди. Навоийликларнинг ўттиз йиллик баракали меҳнати маҳсулоти бўлмиш Навоий шаҳри нафақат Ватанимиз, балки халқаро шаҳарсозликнинг ибратли намунаси сифатида тан олинаётган экан, бу, албатта, навоийликларнинг катта ютуғидир. Қизилқум маликаси, деб ном олган шаҳар овози бутун мамлакатга маълум ва машҳур бўлди. Табиийки, бу умумхалқ эҳтироми унинг яратувчиларига катта шуҳрат келтирди. 1968 йили Навоий шаҳрининг архитектураси учун лойиҳа раҳбари А. В. Коротков, комплекс лойиҳалаштириш бюросининг бошлиғи З. Н. Иванов, архитектура режалаштириш устахонасининг раҳбари И. Б. Орлов, лойиҳа бош архитектори Н. Н. Симёнов, бош конструктор Г. П. Смородовлар СССР Давлат мукофотига сазовор бўлдилар.

1975 йилда лойиҳа бош архитектори И. Б. Орлов ва лойиҳа раҳбари Н. Н. Симёнов Патрик Аберкромби номли халқаро Архитекторлар уюшмаси мукофоти билан тақдирландилар. Айни бир пайтда тармоқ вазирликлари раҳбарлари кун сайин яшариб келаётган шаҳарга суқланиб қарайдиган бўлдилар. Улар бир неча марта шаҳарга келиб кетишди. Шундан сўнг... бир қатор саноат корхоналари фаолият кўрсата бошлади.

...1956 йил Навоий қурилиш бошқармаси ташкил этилди.

...1964 йили Навоий кимё заводи биринчи марта аммиак селитраси ишлаб чиқара бошлади.

...1978 йили цемент заводи биринчи маҳсулотини берди.

...1979 йили электрокимё заводи ишга туширилди.

Хуллас, кўп ўтмай тармоқ вазирликлари зўр беришиб, шаҳарга ўз ҳукмини ўтказа бошлади. Масалан, СССР Кимё саноати вазирлиги Навоий кимё заводида йирик бирлашма ташкил этишга киришди. Оқибатда бунга эришдилар ҳам. СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш вазирлиги электрокимё заводи қошида йирик фазолон цехини қуриш пайида юришарди. Кўп ўтмай улар ҳам ўз орзуларига эришишди. Шундай қилиб, яхши ният билан қурилган шаҳарга хўжайин кўпайди. Унинг осмонида қора булутлар қуюқлаша бошлади.

Рўзномалар бу ўзгаришлар ҳақида ҳар куни бонг урарди.

1989 йил арафасида Навоий шаҳрининг Ленин номли майдонида пайдо бўлган «Гуллаётган диёр» композицияси меҳнаткашларнинг қаҳр-ғазабини қўзғатиб юборди. Кутилмаган «гўзаллар»нинг пайдо бўлиши ғоят номаъқул эканлиги тўғрисида жумҳурият рўзномаларида тўғри эътирозлар босилиб чиқди. Шундай бўлсада бу «беҳаё» гўзаллар ўз жойида қадди-қоматини кўз-кўз қилиб тураверди. Нега? Ўша йилнинг апрель ойида мазкур композиция муаллифи Б. А. Свинин навоийликлар билан учрашди. Шундай учрашувлардан бири шаҳардаги «Фарҳод» маданият саройида бўлиб ўтди. Навоийдаги бир қатор композициялар муаллифи бўлган Б. Свинин бу учрашувда ўз асари ҳақида тўлиб-тошиб гапирди. У мазкур «асар»ни яратишда ўзбек халқининг узоқ ўтмишига мурожаат қилганини ҳам гапириб ўтди. Сўнгра Свинин аллақайси жойдан келтирилган яланғоч аёллар суратларини зал узра намойиш қила бошлади:

— Кўрдиларингми, мен ғояни осмондан олганим йўқ, — деди у.

Бу тўпланганларнинг энсасини қотирди. Ёнимда ўтирган Тошкент политехника институти Навоий филиали кафедра мудири Содиқ Абдуллаев чидаб туролмади:

— Ўртоқ Свинин, сиз кўрсатган жаридани ҳар биримиз сотиб олиб, ҳумордан чиққунча томоша қилишимиз мумкин. Ҳар ким музейга ўз ихтиёри билан боради. Ахир, сизнинг ҳайкалларингиз очиқ майдонда ўрнатилган-ку?! Одамлар қачонгача юзини яшириб ўтади. Иккинчидан, сиз аллақандай кўрсатмалар ҳақида гапирдингиз. Хўш, сизнинг сўзингиз бўйича ҳайкалларни йўл-йўриқ орқали томоша қилишимиз керакми?

— Ҳечқиси йўқ, — деди йиғилишда иштирок этаётган шаҳар фирқа қўмитаси котиби Ольга Сашина. — Бир вақтлар «Фарҳод» ҳайкали ўрнатилганда ҳам одамлар норозилик билдиришганди. Мана, ўрганиб ҳам кетишди-ку!

Хуллас, йиғилиш Свинин фойдасига ҳал бўлди.

«Знамя дружби» рўзномасининг 1989 йил 31 март сонида ўлкашунос Б. Шалатониннинг «Асрларга гувоҳ» мақоласи ҳам кўпчиликда норозилик уйғотди. Мақола муаллифини навоийликлар яхши билишади. У кўпдан бери Зарафшон водийси табиати, тарихий ва маданий ёдгорликлари ҳақида мақолалар ёзиб келмоқда. Бироқ Борис Степанович мазкур мақоласида «Гуллаётган диёр» композициясини жуда зўр эҳтирос билан таърифлайди. Муаллиф Навоий шаҳрида ушбу ҳайкалларнинг пайдо бўлишини бебаҳо маданият намунаси, деб баҳолайди. Шу ўринда Б. Шалатонин ўзбек халқи маданияти тарихида бундай ҳайкаллар мавжуд бўлган, деб хулоса чиқарди. У композиция муаллифи Б. Свинин мазкур ҳайкалларни яратишда ўзбек халқининг минг йиллик тарихига мурожаат қилган, деган хулосани чиқарди.

Наҳотки, биз ўзбек аёлининг қиёфасини шу тарзда кўрсак? Бу оналаримиз, опа-сингилларимизга нисбатан ҳурматсизлик эмасми? Севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг қуйидаги сатрлари бизни ҳушёрликка чорламайдими?

Инсон қалби билан ҳазиллашманг сиз
Унда миллат яшар, унда тил яшар...

Дарҳақиқат, Навоий шаҳрида қад ростлаган бу «беҳаё гўзаллар» миллий маданиятимизга мутлақо зид бўлиб тушди. Бу композицияни асосан марказий майдонга ўрнатишга ким ташкилотчи бўлган?..

Шуни айтиш керакки, Навоий шаҳридаги аксарият маданий-маиший иншоотлар Навоий тоғ-металлургия комбинати тасарруфида. Шаҳардаги ҳар бир ўзгариш шу комбинат орқали амалга оширилади. «Гуллаётган диёр» композициясини яратиш ва унга кетган 25 минг сўмдан ортиқ маблағни ҳам шу комбинат ўз ҳисобидан тўлаган. Бундан маҳаллий ташкилотлар бехабар қолишди. Қолаверса, Навоий тоғ-металлургия комбинати раҳбарлари шу пайтгача ерли аҳолининг истак ва талаблари билан ҳисоблашган эмас.

Хуллас, «Гуллаётган диёр» композицияси кимнинг ким эканлигини кўрсатди. Шу ўринда Ўзбекистон ССР Меъморлар уюшмаси раҳбарларига жиддий эътирозлар билдиришга ҳақлимиз. Қачонгача улар жумҳуриятимизда рўй бераётган воқеалардан бехабар қолишади? Бундай ҳайкалларни ўрнатишдан олдин уларга жумҳурият мусаввирлари ва меъморлари ўзларининг кенгашларида рухсат беришади-ку? Қизиғи шундаки, Навоий шаҳри вилоят маркази бўлиб турган вақтда, ҳатто, вилоят ижроия қўмитаси раҳбарлари шаҳарда бирорта қурилиш барпо этишнинг уддасидан чиқа олмадилар. Негаки, Ленинград лойиҳасидаги Навоий шаҳрига фақат ленинградликлар ўзгартириш киритиши мумкин. Шунинг учун ҳам шаҳар ижроия қўмитаси дўкон очиш учун аввало, ленинградликлардан рухсат сўраши керак. Бўлмаса, бундай ўзбошимчалик учун шаҳар раҳбарлари қаттиқ жазоланиши мумкин. Маҳаллий аҳолининг жиддий норозилигини ҳисобга олиб, шаҳар ижроия қўмитаси Ленин майдонида қад ростлаб турган «яланғоч гўзаллар»нинг «учрашув жойи»ни ўзгартиришга қарор қилди. Ўтган йилнинг июль ойида композиция бир кечада олинди. Шу билан баҳс-мунозарага чек қўйса ҳам бўларди. Бироқ шаҳар рўзномаси яна мунозарани давом эттиришга киришди. Яна навқирон шаҳарда «Гуллаётган диёр» композициясини қайтадан ўрнатиш тўғрисида фикрлар пайдо бўлмоқда. Гўзал ва навқирон шаҳарга гўзал ҳайкаллар ярашади, дейишмоқда. Журналист Ирина Дорофеева бу масала бўйича қайта-қайта чиқиш қилмоқда, шаҳар аҳолисини «Гуллаётган диёр» композициясини тиклашга даъват этмоқда.

СССР халқ депутатлари I съездида академик Д. Лихачев «Жамият маданиятли бўлмас экан, ахлоқийлик ҳам бўлмайди, одоб бўлмаса ижтимоий, иқтисодий қонунларга амал қилмайди, фармонлар бажарилмайди ва замонавий илм-фан яшай олмайди. Мамлакатимизнинг паст маданияти ижтимоий ҳаётга, давлат ишига, миллатлараро муносабатларга салбий таъсир ўтказмоқда. Юксак маданиятли кишилар ўзга миллатга, ўзгача фикрга ғанимлик қилмайдилар», деганда юз фоиз ҳақ эди.

Маҳмуд МАРДИЕВ.
Навоий шаҳри.

Хориждан хабарлар

БУГУН — БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ХАЛҚАРО КУНИ

«ОНАЖОН, МЕНИ ҚУТҚАРИНГ!»

ОҒИР хаёлларга ботган ёшгина жувон Чатучак боғидаги хиёбон бўйлаб оҳиста қадам ташлаб бозор томон кетарди. Бирдан «Она, онажон, мени қутқаринг! Бу мен!» деган таниш қичқириқ қулоғини қоматга келтирди. Ерда ўтирган жулдур кийимли кичкина қизалоқ ундан кўзини узмас, олдидаги пластмасса идишда эса тангалар ялтирарди. Аёл оз бўлса ҳушидан кетаёзди. У бир неча ой илгари йўқолиб қолган қизчасини таниди. Тўкилган қанчадан-қанча кўз ёшлари, бедор тунлар, полицияга қилинган мурожаатлар, одам қум зарраси янглиғ йўқолиб кетадиган етти миллион аҳоли яшайдиган шаҳардаги излашлар! Ҳаммаси беҳуда кетган эди. Мана ниҳоят, тасодифий учрашув. Лекин қандай учрашув! Қизчанинг икки қўли тирсагидан кесиб ташланган эди.

Мен бу воқеани ўзим якшанба кунлари озиқ-овқат сотиб олиш учун бориб турадиган ўша Чатучак бозорида эшитдим. Таассуфки, бу воқеа мени сира ажаблантирмади. Улкан Мегаполис марказида — ниҳоятда катта универмаглар ёнида ва ажнабий сайёҳлар кўнгилхушлик қиладиган жойларда кимлардир мажруҳ қилиб қўйган ўнлаб болалар ўтиради. Уларнинг аксарияти — тиламчиликни монополия қилиб олган гангстерлар тўдаларининг қурбонларидир. Жиноятчилар кичкина болаларни одатда вилоятлардан ўғирлаб келишади, мажруҳ қилишади, кейин эса уларни кичкина юк машиналарга ўтқазиб энг «сердаромад» жойларга тарқатиб, садақа сўрашга мажбур қилишади. Болага қанчалик даҳшатли жароҳат етказилса, одамлар шунча кўп ачинишади, демак, садақа ҳам кўпроқ бўлади. Йирик «Нейшн» рўзномасининг мухбири Воранант Кронгбунюнг, яқинда махсус текшириш ўтказди. Гадолар уюшмаларининг мавжудлиги ўйлаб топилган гап эмас, деди унга Ички ишлар вазирлиги ижтимоий фаровонлик департаментининг бош директори Сомси Кантамала. Яна шунга ҳам ишончим комилки, болаларни ўғирлашганидан кейин уларни майиб қилиб қўйишади.

Жасур ва синчков журналист айрим қурбонларни гапга солишга, уларнинг тақдири тўғрисида ҳам, жиноий уюшмаларнинг фаолияти ҳақида ҳам кўпгина нарсаларни билиб олишга муваффақ бўлди. Шулардан бири, мажруҳ қилиб қўйилган йигирма нафар болани назорат қилиб турувчи бир жиноятчи тўғрисида у рўзнома саҳифаларида ёзди. Лекин даҳшатли нарсаларни ҳикоя қилавермай, муштарийлар ҳиссиётларини аяйликда, бунинг ўрнига анъанавий саволни берайлик — полиция, маъмурлар қаёққа қараяпти? Муаммонинг ғайриинсонийлигинигина эмас, шу билан бирга унинг миқёсларини ҳам тушуниб, Ички ишлар вазирлиги болаларни ўғирлаш ва уларни тиланчилик қилишга мажбур этишга ихтисослашган уюшган жиноятчиликни ва мафияни қаттиқ жазолайдиган қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга киришди. Ҳозир амал қилаётган қонунлар садақа сўраганларгагина қарши чораларни кўзда тутади, жиноий уюшмаларнинг раҳбарлари эса ҳеч қандай жавобгарликка тортилмайди.

Яна нима? Муниципал маъмурлар ва полиция жамоат қўмитаси ташкил қилдилар. Унинг режалари ва вазифасига хусусан, матбуот ва телевидениени тиламчиликка қарши курашга сафарбар этиш киради. Унинг асосий шиори бундай: «Тўхта, агар ўз фарзандинг ҳам ўғирланиши ва мажруҳ қилинишини истамасанг, садақа беришдан олдин ўйлаб кўр». Комитет кичкина тиламчиларни телевидение экранларида кўрсатишни ва уларнинг қисмати тўғрисида матбуотда ҳикоя қилишни режалаштирмоқда. Тўғри, деб фикр юритишмоқда унинг раҳбарлари, бу даҳшатли воқеалар кўпчиликни гаранг қилиб қўйиши мумкин. Айрим кишилар ҳатто телевизорларини ўчириб ҳам қўйишади. Лекин муаммо шу қадар жиддийки, баъзан ҳатто одамларнинг ҳиссиётларига ҳам эътибор бермай, унга қарши фаол курашиш зарур.

Маъмурлар ва жамоатчилик кўрадиган чора-тадбирлар тўғрисида ҳикоя қилиб берилган бу гапларнинг ҳаммаси ҳозирча режалар, холос. Реал турмушда эса аҳвол ўша-ўша. Кичкина таиландликлар баъзилари ёлғиз, баъзилари эса жулдур кийимли «оналари» билан бирга гангстерлар тўдаларига катта фойда келтирадиган иш билан шуғулланишда давом этишмоқда. Ҳали ҳам оналар уйдан ташқарига чиқаётган болаларига: «Узоққа кетма, бегона кишилар билан гаплашма. Бўлмаса сени ўғирлаб кетишлари мумкин!» — деб уқтиришмоқда.

Борис ЧЕХОНИН,
ТАСС мухбири.
Бангкок.



Ҳозирги кунда япон болаларининг 99 фоизи ўрта маълумот олиш имкониятига эга. Шу сабаб иероглиф ёзувининг қийинлигига қарамасдан мамлакат аҳолиси тўлиқ саводли деб тан олинган.

Япониядаги ўрта таълим системасининг муваффақиятлари шунда ҳам намоён бўладики, япон ўқувчилари риёзиёт ҳамда табиий фанлар бўйича тараққий этган Ғарб мамлакатларидаги тенгдошларидан анча ўзиб кетишган. Бу ерда мактаб программаси асосан таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилса-да, ўқитувчилар ўз хоҳишларига кўра унга айрим ўзгаришлар киритиш ҳуқуқига эгадирлар. Шунингдек, мамлакатда болаларнинг қизиқишларига қараб, алоҳида дарс ўтиш ҳам яхши йўлга қўйилган.

СУРАТЛАРДА: ҳуснихат ўқув жараёнининг ажралмас қисмидир. Токио мактабларининг бирида танаффус.

ТАСС суратлари.



РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЙЎЛГА ЕПИШИБ ҚОЛДИ

● МИЛАН — ВЕНЕЦИЯ автомобиль йўлида камдан-кам учрайдиган воқеа рўй берди. Унга яқин машина худди ерга ёпишиб қолгандек жойидан қўзғололмасди. Маълум бўлишича, пластмасса ёпиштиришда ишлатиладиган суюқлик цистернадан ерга қуйилиб кетган экан. Полиция келиб, ерга махсус суюқлик тўккандан кейингина машиналар юриб кетди.

ОМАДИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ!

● ХИТОЙ пойтахтининг катта дўконлари олдида, одам кўп бўлувчи чорраҳаларда пайдо бўлган одатдан ташқари, автобус атрофи ҳар доим гавжум. Мегафондан: «Лотерея билетини сотиб олиб, омадингизни синаб кўринг!» деган сўзлар жаранглайди. Бундай лотерея ўйини Пекинда иккинчи маротаба ўтказилмоқда. Бундан икки йил муқаддам билетлари сотила бошланган биринчи тираж яхши натижа берди. Ундан фойдага қолган деярли 9 миллион юанга қариялар учун 120 та уй қурилди, бир қанча медицина ташкилотларига зарур асбоб-ускуналар харид қилинди. Тушган маблағнинг яна бир қисми ногиронлар ишловчи корхоналарга ўтказилди.

9 КИЛОГРАММЛИ ТУРМАКЛАШ

● ЯНГИ ГВИНЕЯДА яшовчи каякая қабиласи аёллари сочларини антиқа усулда турмаклайдилар. Улар қуриган ўтни олиб, аввалига ёғда ивитадилар, сўнгра сочларига турмаклашади. Бундай турмаклаш бошга «атиги» 9 килограмм оғирлик солади.

ЯНА БИР РЕКОРД

● АВСТРИЯНИНГ Калин ҳудудида истиқомат қилувчи Кепрад Хильдибринд исмли фермер аравада оғир юк ташиш бўйича ўзига хос рекорд ўрнатди. У ўн бешта от қўшилган аравага 407 қоп ғаллани жойлаштирди, юкнинг умумий вазни 35 тонна эди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Илдизимизга болта урмайлик

Болалар ўлими, юқумли сариқ касали, аёлларнинг камқонлик хасталиклари жумҳуриятимизда мамлакатимиздаги кўрсаткичдан анча юқори эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Бунинг сабаби тиббиётимиз ҳаминқадарлигида, заҳарли кимёвий дориларидан тартибсиз фойдаланишимизда, озиқ-овқат маҳсулотларининг таннархи баланд бўлиб, уларни аҳоли кам истеъмол қилишида, халқнинг қашшоқлигидадир.

Мана шулар боис бизда туғилаётган ҳар минг гўдакнинг 46,2 нафари нобуд бўлмоқда. Айрим жойларда, жумладан Фарғона вилоятининг Киров ноҳиясида бу рақам янада юқори — 52,1 мурғакни ташкил қилади.

Одам тани бир неча кундузга етарли миқдорда оқсил, ёғ, углевод ва ҳар хил витаминларни ололмас экан, у турли касалликларга чалинавериши ўз-ўзидан аён. Мутахассисларнинг фикрича, қишлоқда яшовчи аҳолининг 70 фоизи, айниқса, аёллар, 1—5 ёшдаги болалар сариқ касали билан оғримоқдалар. Ахир, тўйиб овқатланмаган кишида саломатлик ҳам бўлмайди. Ҳатто меванинг макони бўлган Ўзбекистон мева истеъмол қилиш бўйича иттифоқда охирги ўринда туришини қандай изоҳлаш мумкин?

Гўшт ва гўшт маҳсулотларини ҳам мамлакатимиз бўйича йилига жон бошига 63 килограммдан тўғри келса, бизда 29 килограммдан, қишлоқларимизда 8—10 килограммдангина иборат бўлиб қолмоқда. Ваҳоланки, бир киши йилда 60 килограмм гўшт истеъмол қилиши кераклигини мутахассислар таъкидлаб турибдилар.

Тиббий хизмат ҳам бизда ўта ночор. Даволаш муассасалари ва ускуналари етишмайди. Тиббиёт ходимлари озчиликни ташкил этади. Мамлакат бўйича ҳар 10000 аҳолига 42 врач, 136 врач ёрдамчиси, бизда эса 28 врач, 95 ўрта тиббий ходим тўғри келади...

БУНДАН ташқари болалар ўлими, юқумли сариқ касаллиги ва аёлларимиздаги камқонлик хасталикларининг асосий сабабларидан бири жумҳуриятимизда заҳарли кимёвий дорилардан тартибсиз фойдаланиш ва уларнинг ишлатилишида тўла назорат олиб борилмаслигида ҳамдир. Пахта яккаҳокимлигининг оқибати шунга олиб келди, бугун далада ишлаётган ёш болали аёлнинг сутига ҳам заҳарли моддалар ўтгани аниқланди. Бу ниҳоятда даҳшатли ҳол, албатта. Энди бундай аёл болаларининг насли тўла соғлом бўлиши учун камида 2—3 авлод ўтиши керак бўлармикан?!

Биз эса ҳамон заҳарли дорилардан фойдаланмоқдамиз. Биргина X беш йилликда Иттифоқимизда ҳайдаладиган ҳар гектар ерга 1 килограмм дори пуркалган ҳолда, бизда бу кўрсаткич 54 килограмм бўлган. Оқибатда мусаффо ҳаво, зилол сув, она замин булғанди. Экин майдонларимиз ҳосил бермайдиган бўлиб қолди, негаки далалар кимёвий дориларга нашаванддек ўрганиб қолди.

Давлатимиз табиатни муҳофаза қилиш, эл саломатлигини таъминлаш учун миллионлаб маблағ сарфламоқда. Лекин режадан бошқа нарсани тан олмайдиган айрим раҳбарлар ҳанўз табиатни топтамоқдалар, заҳарли кимёвий дорилардан тартибсиз фойдаланиб, эл саломатлигига катта зиён етказмоқдалар.

Бугунги кунда жумҳуриятимиз бўйича қишлоқ хўжалигида ишлатилиши таъқиқланган 9000 тонна заҳарли кимёвий дорилар мавжуд. Уларни йиғиштириб олиш ишларида эса ҳеч ким масъулик сезмаётир.

Жумладан, Қашқадарё вилоятининг Ғузор ноҳиясида беш турдаги 238 тонна ана шундай дорилар сақланмоқда. Бундан ташқари, вилоятнинг заҳарли дорилар сақлаш омборхонаси ҳам шу ерда жойлашган бўлиб, унда ҳар хил таксик кучга эга бўлган 102 турдаги 4000 тонна кимёвий заҳарли дорилар бор.

— Омборхона қурилиши санитария талабларига жавоб бермаслиги, махсус хоналар етишмаслиги туфайли 300 тонна далопон, 30 тонна нитрофон, 295 тонна пропикат, 25 тонна тихлораль-5 очиқ ҳавода сочилиб ётибди. Қиш ва баҳорда ёққан қор, ёмғир сувлари заҳарли дориларни ювиб, очиқ сув ҳавзаларига оқизиб кетмоқда. Ёз пайтларида эса улар ўзининг қўлансақ ҳиди билан атроф-муҳит ифлосланишига олиб келаётир. Оқибатда, омборхона яқинида жойлашган Сағишкон, Ҳумдон, Қорқўмди, Авғонбоғ қишлоқлари аҳолиси ўртасида юқумли сариқ касаллиги кўп қайд этилаётир-ки, беморларнинг асосий қисмини аёллар ва ёш болалар ташкил этади.

Заҳарли кимёвий дориларни сақлаш, ташиш ва тарқатишда санитария-гигиена қоидалари бузилгани учун бу омборхона кейинги икки йил ичида уч марта ёпиб қўйилди, ҳатто мудир Б. Мамадалиевга тўрт марта жарима солинди. Ғузор ноҳия санэпидстанцияси маъмурияти юқори масъул ташкилотларга қайта-қайта шикоятлар ёзди. Афсуски, бу шикоятлар ижобатсиз — натижасиз қолмоқда. Ахир, жарима солиш ёки омборхонани ёпиб қўйиш билан юқумли сариқ касаллигининг олдини олиб бўлармиди-ку?

Омборхонани аҳолиси кам жойга кўчириш масаласини ноҳия партия қўмитаси, Ғузор ҳосил қўллаб-қувватлаб турган бўлса-да, вилоят сельхозхимиясининг мутасадди раҳбарлари ҳанузгача қўл ковуштириб турибдилар.

Заҳарли кимёвий дорилардан фойдаланиш юқумли касалликларнинг кўпайишига олиб келишини қуйидаги фактлардан англаб олиш мумкин. 1987 йилда Ғузор ноҳиясида 1785 гектар ерга пахта экилиб, 17 турдаги 180 тонна заҳарли химикатлар ишлатилган эди. Бу ҳар гектар ерга 10,6, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1,9 килограммдан тўғри келади. Юқумли сариқ касаллигининг интенсив кўрсаткичи ўша йили ҳар 100 минг аҳолига 2367 кишини ташкил қилганди.

1988 йилда эса 16250 гектар ерга пахта экилиб, ғўза зараркунандаларига қарши курашишда ёки дефолиация учун 162 тонна заҳарли кимёвий дорилар ишлатилган. Бу ҳар гектар ерга 10 килограммдан ёки аҳоли жон бошига 1,6 килограммдан дори пуркалди деган гап. Натижа шу бўлдики, юқумли сариқ касаллиги кўрсаткичи 2367 кишидан 1439 кишига тушди. Демак, бу касаллик 1987 йилдагига нисбатан 1988 йилда 38,2 фоиз камайган.


Энди, биргина сариқ касали билан оғриган беморларга қилинаётган ҳаражатга назар ташласак. Бир беморни даволаш учун давлатнинг 840 сўми сарфланади. 1987 йилда ноҳияда сариқ касали билан оғриган беморларни даволаш учун 1847160 сўм сарф қилинган бўлиб, 1988 йилда 1162560 сўм харжланган, яъни давлатнинг 684600 сўм маблағи иқтисод қилинган.

Яна бир гап, сабзавот ва полиз маҳсулотларининг таркибидаги нитрат, нитрит миқдори ҳар йили мутасадди шахслар томонидан камайтирилиш ўрнига нормаси ошириб юборилаётгани кишини таажжубга солади.

Қадимдан аёллар ва болаларга эркаклар паноҳ бўлиб келган. Ўлкамиздаги тўпланиб қолган муаммоларнинг жабрини бугунги кунда асосан аёлларимиз ва болаларимиз тортмоқда. Аёлнинг ожиза аталиши унинг маънавий ва жисмоний камситилишида бўлмай, балки жисман нозиклигида эмасмикан? Аёлларимиз нозиклиги, миқдордан ортиқ меҳнат қилиши натижаси ўлароқ эркакларга нисбатан кўп хасталанмоқдалар. Ахир аёллар саломатлиги элнинг келажакдаги саломатлиги ҳам деган гап эмасми? Шундай экан, қачонгача ўз илдизимизга болта урамиз?!

Эгамберди ҚУДРАТОВ,
Тоҳир ДОЛИЕВ.

ТАБИАТ ВА БИЗ



ҚАНИЙДИ, ШУ ҚУШЛАРДАЙ ПАРВОЗ ҚИЛОЛСАМ... Суратқаш В.ТУРАЕВ.

ТАБИИЙ БОЙЛИКЛАР ВА ИҚТИСОД

Агар биронта кон тугаб битса, унинг ўрнига бошқасини ишлатишга киришардик. Мабодо Орол денгизи қуриб қолса, Сибирь дарёларини оқизамиз, узумзор ва боғларни ғорат этган бўлсак, даромадни пахтадан олаверамиз, дея ўзимизни ишонтирардик. Аммо ҳозирга келиб, ҳаммаси — уммону нефть ва газ ҳам қурияпти. Боғлар топталган. Нега? Агар саноат корхоналари табиий бойликлардан фойдаланганлиги учун ҳақ тўлаганда бундай исрофгарчиликка йўл қўйилмасди. Одамлар фақат пул сарфлаган нарсани қадрлашини биламизку.

Илгари корхоналар бўлар-бўлмасга сувни ишлатаверишарди. Сувга пул тўлаш жорий этилгандан сўнг бу исрофгарчиликларни қисман бўлса-да олди олинди. Корхонанинг оби-ҳаётни беҳисоб сарфлашлари чегараланди. Номига тайинланган тўлов ҳам сувдан меъёрида фойдаланиш, уни қайта ишлатиш йўлларини қидиришга мажбур қила бошлади. Назаримда ана шундай солиқларни табиий бойликдан фойдаланаётган корхоналарга ҳам жорий этиш ўринлидир. Бу ҳам тежамкорликнинг бир йўли.

Р. ИБРОҲИМОВ.

ҚАНД ЛАВЛАГИНИ ЕГАНМИСИЗ?

Биз кексалар ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп тортганмиз. Очарчилик яқинларимиз, қариндош-уруғларимизнинг ўлимига сабаб бўлганлигига ҳам гувоҳмиз. Эсимда, ўша пайтлар озиқ-овқат маҳсулотлари ниҳоятда танқис эди. Ёлғон эмас, кўпгина оилаларни ўлимдан қанд лавлаги, оқ жўхори сақлаб қолди. Далаларимизга бу экинлар кўплаб экиларди. Қанд лавлаги истеъмол қилганда, очликни батамом унутардик. Афсуски, бугунга келиб бу фойдали ўсимлик жуда кам экилмоқда. Олдинлари Фарғона, Самарқанд вилоятларининг шакар ишлаб чиқариш цехларида ундан жуда унумли фойдаланиларди. Энди эса...

Яна ўша эски удумларимизга қайтсак. Ҳар бир хўжаликда, рўзғорда қанд лавлаги етиштириш йўлга қўйилса. Бу ҳам истеъмол учун, ҳам табобат учун жуда фойдалидир.

Т. МАЛЛАБОЕВ,
Фарғона вилояти.

ЁРДАМ БЕРИНГ!

Оҳангарон водийсининг тоғ этакларида жойлашган Дукент, Опартак, Қорабоғ ва Соғлом қишлоқларида истиқомат қилувчи аҳолининг дардига қулоқ соладиган диёнатлилар йўқ. У ердагилар оғир аҳволдан қутулишда ёрдам беришларини сўраб кўпгина ташкилотларга мурожаат қилмоқдалар. Афсуски, натижаси бўлмаётир.

Оҳангарон воҳасида кўмир қазиб оламиз деб, неча юзлаб йиллар ўз кўрки, гўзаллиги билан бойликларини инсонга ҳадя этиб келаётган Боботоғ этакларини топташ инсофданми? Бу тоғлар халқимизнинг ҳордиқ чиқарадиган маскани эмасмиди? Болаларнинг виқор билан кўкка бўй чўзган қояларда қичқириб, қаҳқаҳа отишлари, чўққилар қатидан сизиб чиқаётган зилол сувларнинг шовури бойлик эмасми? Биз ана шу бетакрор гўзалликларни бой бераяпмиз. Тоғнинг кўксини уззу-кун тимдалаётган жумҳурият Кўмир саноати вазирлигида ишлаётган мутасаддилар бу тўғрида ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмасди. Майли, табиий бойликлар давлатга керак экан олишсин. Аммо инсоф билан-да.

У. АБДАЛИЕВ,
Ангрен шаҳри.

КЎМИЛГАН ЧИҚИНДИЛАР

Очиқ гап, техниканинг кундан-кунга сони ортаётганлиги бизни янада ташвишга солади. Назаримизда янги-янги нақлиётларни ихтиро этишдан аввал унинг қандай ишлашлиги устида, нима билан ҳаракатланиши ҳақида ўйлаш лозим бўлади. Бензин, керосин ва нефть билан ишлайдиган машиналарнинг чала ёқилган ёнилғисидан азият чекаётганлигимиз ҳаммага аён. Атрофни бу чиқиндилардан халос этиш устида эса жуда кам ўйлаймиз. Агар бунга муносабат шу зайлда кетаверса, атмосфера батамом заҳарланади, ер юзида тирик жонзот қолмайди-ку. Боз устига бизда ўғит ишлаб чиқарадиган кимё заводи бор. У камлик қилганидек, яна аппаратсозлик заводи қурилаётибди. Навоийдаги кимё заводининг чиқиндилари Қизилтепа ҳудудидаги чўлга келтириб ташланган. Бу «қабристон»лардан ёз кунлари турли кимёвий моддалар ҳавога кўтарилиб, атрофни булғаяпти. Ер ости, устки сувларини заҳарлаяпти. Биз эса ана шу сувларни истеъмол қилаётирмиз. Йўқ, бизга бундай техника ривожи керакмас. Ундан кўра ота-боболаримиздек от-эшаклардан фойдаланганимиз минг марта афзал бизга.

Ш. АБДУЛЛАЕВ,
Ж. ИБРОҲИМОВ,
Жами 12 имзо. Бухоро вилояти. Қизилтепа ноҳияси.

БИЗНИНГ ҒОЛИБЛАР

Маълумки, рўзномамиз саҳифаларида ҳар йили табиат бойликларини асраш, атроф-муҳитни авайлаш, она-заминга меҳр-муҳаббат ҳиссини уйғотиш ниятида конкурс эълон қилинади. Ундан асосий мақсад топталаётган табиатимизни фалокатдан асраш. Бу баҳс йилдан-йилга оммавийлашмоқда. Муаллифларимизнинг сони ортди.

Муштарийларимизнинг хабарлари бор. «Ёш ленинчи» жумҳурият рўзномалари орасида «Табиат ва биз» мавзуини яхши ёритганлиги учун учинчи ўринни эгаллади. Муаллифлар ўртасидаги баҳсда эса М. Мардиев, З. Акромов, Қ. Эшматов, С. Умарова, Р. Ҳасанов, Б. Даминов, А. Мамадаминов, Ж. Қозоқов, Е. Ботиров, Д. Аҳмедов, Ж. Бобораҳматовлар ғолиб деб топилди. Уларга табиатни муҳофаза қилиш жумҳурият жамиятининг дипломлари ва пул мукофотлари топширилди.

Бу йил ҳам баҳсни давом эттирамиз. Марҳамат. Бизга ёзинг.

ИСЁН

Киндик қоним томган, жонимдан ҳам ортиқ суюкли Хоразмимга бордим. Янгиариқ ноҳияси «Коммуна» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Исмоил отамларникига автобусда кетаяпман. Теварак-атрофни кузатаман. Далалар оппоқ. Кўз олдимда пахта хирмонига ёзилиб қўйилган момиқ манзараси намоён бўлди. Бу Хонқа ноҳиясининг пахта майдонлари-ю, деҳқонларнинг томорқалари эди. Янгиариқ ноҳияси чегарасига етдик. Бир хил манзара. Ер юзи оппоқ. Узоқ-узоқ тикилиб шу оқликнинг пахта эмас, тузлигига ишонч ҳосил қилдим.

Эҳ, Паҳлавон Маҳмуд, Хоразмий, Беруний, Огаҳий, Феруэларга лаззати тил ёрар қовунлар, шираси бир умр оғизда қолгулик олма-ю, анжирларни тортиқ айлаган замин! Сени шу кўйга ким солди? Жоҳиллар, хоинлар!..

Ёнимда ўтирган юзлари ҳорғин, қоқ суяк бир амаки менинг меҳмон эканимни сезди шекилли, бепоён далаларга бармоқларини бигиз қилиб, «бу Оролдан учиб келаётган тузлар», деди. Ҳа, мўйсафид Оролнинг ажал талвасасида «пуф» дея чиқараётган охирги нафаслари туз бўлиб ёғилаяпти Хоразм заминига. Бир пайтлар ер юзини илми, адабиёт ва санъати, маданияти билан лол қолдирган муқаддас Хоразмнинг тупроғида не гуноҳ? Осмондан сепилиб келган ажал уруғлари, кимёвий заҳарлар етмасмиди бу сахий тупроққа?

Халқ азалдан сувни муқаддас, деб ҳисоблаб келган. Сув ҳақида турфа ривоятлар тўқилгани, унга «оби-ҳаёт» дея таъриф берилганини биламиз. Агар халқ орасида урф бўлган ибратли анъаналарни синчиклаб кузатсак, сувнинг қадри қанча юксак эканининг гувоҳи бўлардик. Халқ қадимдан сувга туфлашни гуноҳ ҳисоблаб келган. Шунингдек, инсон вафот этгандан кейин, уни дафн этиш олдидан сув билан ювилиб покланади. Бунда марҳум ёки марҳуманинг гуноҳлари сув билан ювилиб кетсин деган рамзий маъно борга ўхшайди. Номоз ўқиш олдидан сув билан таҳорат олинишини ҳам бежиз деб бўлмайди. Лекин кейинчалик тубанлик сари чекина бошланиши натижасида муқаддас нарсалар, урф-одатларр ҳақида ўйламай қўйдик. Табиат ато этган неъматларга зўравонларча муносабатда бўлдик, табиий бойликларни таладик, сув манбалари зулм ва қабоҳат чангалидан четда қолмади. Асрлар оша халқимизни мусаффо ҳаво ва турли ноз-неъматлардан баҳраманд этиб келган Орол денгизи ҳам бизнинг тинимсиз таъқиб ва тазйиқларимизга, дашномларимизга бардош беролмай, бир умр сирдош қирғоқларидан чекина бошлади.

Орол азалдан Туркистон халқларининг ҳаёт булоғидир. У ҳавони мўътадил сақлаш борасида алоҳида ўринни эгаллайди. Қолаверса, битмас-туганмас балиқ манбаи эди. Энди эса...

Мен Орол, Амударё ва Сирдарёларни эгизак оға-инилар дегим келади. Чунки улар асрлар оша бирга яшашган. Халқ эса уларга ҳалақит берган эмас. Кейинги ўн йилликларда эса уларни бир-биридан ажратдик. Бу айрилиқ бизга жуда қимматга тушаяпти. Хоразм, Қорақалпоқ ва Тошҳовузда яшовчилар тиббиёт тарихи билмаган касалликларга дучор бўлди, сунъий қирғин бошланди, десам янглишмасам керак.

Эй, юрагим, кўтаргил исён,
Улаётган Орол учун, оҳ!
Устимиздан орланиб бу он,
Кулаётган Орол учун, о-о-ҳ!
Ажал тўшагида жим ётур,
Титрар томчи сувга зор лаби.
Сайҳун, Жайҳун ўксиб қайдадир,
Мажолсиз тўлғанар асабий.
Уч эгизак орасин бузган,
Жоҳиллар, хоинлар—сизларга,
Юрт ўлимин режасин тузган,
Қора юрак, қора юзларга,
Авлодимиз кўтаргай исён!..

Уч эгизак — Орол, Амударё ва Сирдарёлар орасини ўзимизнинг тўраларимиз бузди. Янглишмасам, аввалига Сирдарё сувлари қатор сув омборларига бурилди. Шу йўл билан унинг қадами қирқилди, йўлдан оздирилди. Сўнг Амударёга жаллодий чангаллар урилди. Аста-секин унинг бир ўзига қанча-қанча «қамоқхона»лар қурилди. Натижада граждандлар уруши даврида Волга бўйида қаҳатчилик ҳукм сурганда ўз балиқлари билан у ер халқларини таъминлаб турган Орол ўлимга ҳукм қилинди. Лекин шу сахий уммон оғир хасталикка дучор бўлганда унга ҳеч ким ёрдам қўлини чўзмаётгани инсон деган номга доғ туширади.

Тўғри, Оролни ҳимоя қилиш қўмиталари, турли ташкилотлар тузилди. Унга аллақанча километр куб сув қўйилаётгани тўғрисида ахборотлар берилди. Афсуски, буларнинг ёлғонъяшиқ гаплар экани тўғрисида халқ гапирмоқда. Халқни алдаш касалидан қачон қутилар эканмиз?

Хоразм халқи эзгулик истаб, ёруғлик чиқишини умид қилиб СССР халқ депутатларини сайладилар. Москвада уларнинг дардлари, ночор турмуши, рўй бераётган «очарчилик», ҳаёти хавф остида экани ҳақида гапиришларини, парламентдан ёрдам сўрашларини кутдилар. Лекин ишонган депутатлари съездлар ва сессияларда шунчаки савлат тўкиб ўтириб қайтдилар. Хоразмлик депутатларнинг Болтиқбўйи, Кавказ орти жумҳуриятлари, Россия депутатларидан ўрнак олмаганликлари ҳар бир инсонпарвар кишини ташвишлантираяпти.

ОРОЛ:
Қаердасиз, эй жигарларим,
Тўлғонаман, жоним қийноқда.
Ҳеч бўлмаса сиз йўқланг мени,
Юрманг, ахир мендан йироқда.

АМУДАРЁ:
Боролмасман, жигарим, нетай,
Ҳолингиздан хабар олгали.
Қурбим етмас сизни кўриш-чун
Бағрингизга жўшиб боргали.

Ҳа, менга Орол, Амударё ва Сирдарёлар биздан — инсонлардан нолиётгандай туюлади. Улар аждодларимиздан кўрмаган зулмни йигирманчи аср кишиларидан кўришаяпти. Биз учун бундан оғир кўргилик бўлмаса керак!

Яна сув ҳақида. Венгриялик сайёҳ олим Вамбери Амударё сувига жуда катта баҳо берган эди. У тахминан «сафарим давомида ҳеч қаерда Амударёнинг сувидай ширин сувни ичиб кўрмадим», дейди. Энди-чи? Хоразмликлар сув эмас, номакоп ичаяптилар. Илгарилари дўконларда тўлиб-тошиб ётадиган шишали минерал сувлар бугунги кунда анқонинг уруғи. Оддий меҳнаткаш унинг таъмини ҳам эсдан чиқарган бўлса, ажаб эмас. Бироқ каттароқ лавозимларда ишлайдиган тўралар уйида шишали минерал сувлар қалашиб ётар экан. Эрта тонгдан кеч шомгача қора меҳнат остида эзилаётган, тўраларни кийинтириб, тўйдираётган деҳқонларнинг гуноҳи не?

Менимча Оролнинг ўлими Хоразм ҳалокатидан нишонадир. Мен қариялардан бир ривоят эшитганман. Охир замонда Хоразмни ё сув босади, ё у қумликка, чўлу-биёбонга айланади, деганлар. Наҳотки шу ҳақиқатга айланса?!

Сарвар ОЧИЛОВ.

ТАБИАТ ОШИҒИ

Раҳим Бекниёз ўзининг шеър ва ҳикоялари, повесть ва драмалари билан табиат ошиғи, унинг беназир қўриқчиси бўлиб танилган ёзувчидир. У Орол денгизи муаммолари кескин бўлиб турмаган даврдан бир неча ўн йил илгариёқ бу темани кўтариб чиққан эди. Оролнинг қуриб бориши, табиатнинг қизил китобига киритилган қуш ва ҳайвонлар дунёси, атроф муҳитни соғломлаштириш ҳақида қайғуриш, табиат бойликларини асраш, инсонларнинг саломатлиги каби қатор масалалар Раҳим Бекниёз ижодининг бош ва етакчи мавзуи бўлиб қолди.

Раҳим Бекниёз ижодида жонли табиатга муҳаббат билан қараш алоҳида аҳамиятга эга бўлган воқеа сифатида талқин қилинади. Шоирнинг «Биринчи учрашув», «Интиламан», «Мовий тўлқинлар», «Овчининг куйлари», «Тўтиё» номли тўпламларига киритилган шеърларидан тортиб «Дерсу Узала изидан», «Сеҳрли дунё», «Қайдасан, ҳумо», «Темиртирноқ», «Бола мерган», «Армонли дунё» каби китобларигача бу нарса ўқувчи кўзи олдидан қизил ип бўлиб ўтади. Бу тўпламларга киритилган ҳикояларнинг деярлик барчаси ов тўғрисида, овчилар ва уларнинг ҳаёти ҳақида ёзилгандир. Бу тема ёзувчи ижодида ҳам, тўпламларида ҳам энг муҳим ва марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Раҳим Бекниёз асарларида қушлар, ҳайвонлар, воҳамизнинг табиати ҳақида умумий тавсифлар йўқ, уларнинг ҳар бири аниқ ва бетакрор. Ёзувчи ҳикояларига жуда қизиқ сюжет топади ва шу асосда овнинг қизиқ-қизиқ томонларини, кишига ором бағишловчи ҳолатларини, овчиларнинг табиати ва бошқа шу каби томонлари ҳақида ҳикоя қилади. Ёзувчи бу ҳикояларида кишиларни тўйдирадиган ва уларни кийинтирадиган ҳайвонлар, қушлар, паррандаларни ўз ўқувчиларига таништиришни мақсад қилиб олади. Шу билан бирга ёзувчи бу хилдаги асарларида Ватанимизнинг бойлиги бўлган ҳайвон ва ҳар-хил қушларни ов қилишда ўзига яраша чегара борлигини ҳам тўғри ифодалаб бера олган. «Ахир, тўқай ва ундаги жонли мавжудодлардан баҳраманд бўлувчилар уларни авайлашни ҳам билишлари керак-да. Йўқса ҳар қандай хазина ҳам ҳадемай шипшийдон бўлиб, ҳувиллаб қолади. Кекса мерган «овчиман» деб қўлларига милтиқ олган ёшлар миясига шу фикрни, шу муқаррар ҳақиқатни қуйгани қуйган». («Қари мерган» ҳикоясидан.)

Мана ёзувчининг ҳаракатномаси ва мақсади. Унинг ҳикояларидан келиб чиқадиган энг муҳим хулосалар ҳам бу фикрни тақоза қилади.

Ёзувчи юмористик планда ёзилган «Ҳаво йўли» номли ҳикоясида овчининг кундалик ва хотираларини ўз ўқувчисига тақдим қилади. Шу билан бирга ҳикояда ёзувчи табиат ошиғи, унинг мафтуни сифатида гавдаланади. У шундай ёзади: «Курорт безори дейишади мени. Серманзара Аму бўйларида, тилла бархан Қорақум этакларида, зангори кўллар беланчаги, Африка чангалзорлари сингари қалин тўқайларда қўлда милтиқ, ёнда този, дилда не-не ширин орзу-ҳаёллар билан яшаб, вақт ўтказишнинг курорт ва санаторийларда дам олишдан нимаси кам. Мени ўрдакхўр дейдиганлар ҳам янглишади. Йўқ, мен ўрдакхўр эмас, табиат ва ажойиботлар дунёсининг мафтуниман». («Ҳаво йўли» ҳикоясидан).

Раҳим Бекниёз Л. Н. Толстой, И. С. Тургенев, В. В. Бианки каби рус адабиёти вакилларининг ов ва ҳайвонлар, овчи хотиралари, Ватан табиати ҳақида ёзилган асарларидаги анъаналарни ўзбек адабиётига олиб кирган ёзувчилардан биридир, десак янглишмаймиз. Ёзувчининг ижоди рус ва жаҳон адабиётидаги ана шундай илғор ва прогрессив анъаналарни ўрганиш натижасида ўсиб-ривожланиб борди. Булар эса ёзувчидан Ватан табиатини, қушлар «тили»ни билишни ва уни санъаткорона ифодалаб беришни тақозо қилар эди. Раҳим Бекниёз бунга амал қилгани ҳолда ўзи кўрган ва яхши билган нарсалари ҳақида — ўзининг деярлик кундалик машғулоти бўлган ов ҳақида, унинг ажиб «сир»лари тўғрисида тўлқинланиб ёзди. Ёзувчи ҳикояларининг марказида ҳаёт ҳақиқати ва қайта-қайта кузатилган, аниқланган материаллар ётади. Унинг «Биринчи ўлжа», «Топоқвой билан Чопоқвой», «Қуёнга тўйган тепаси макон», «Айғоқчи», «Бола мерган», «Шапка кийган қуён», «Балиқчи балиқчини», «Ушоқ полвон», «Баҳор одимлари», «Ҳарифлар», «Ошиқ—маъшуқлар», «Лоф» каби ҳикояларини ўқир эканмиз, биз сирли ва жозибадор табиат билан, ҳайвонот олами ва уларнинг «ғўё достон сатрларига битилган» сеҳрли дунёси ўрдак ва ғозларнинг «мовий кўл беланчагида лапанглаб арғимчоқ учиш»лари билан танишамиз. Биз турли овозларга тўла «ранг-баранг қанотлар оҳангини, юмронқозиқнинг чийиллаши-ю, тулкининг эҳтиёткор шитирлаши»ни эшитгандай бўламиз. Фақат эшитибгина қолмасдан, балки уларни илғаб оладиган кўз, «табиат мусиқа»сини тинглайдиган қулоқ кераклигини билиб оламиз ва бундай фазилатлар ҳамма кишиларга ҳам ато қилавермайди, балки табиатга ошиқ ва унинг мафтуни бўлган одамларгина бунга қодир эканлигини ҳис қиламиз. Ҳақиқатан ҳам, ёзувчи айтганидек, ҳайвонот дунёсини, табиат «мусиқа»сини тинглашга ўткир қулоқ зарур. Овчи учун бунинг ўзи кифоя қилмас экан. «Овчига ўткир кўз билан бақувват қўл, югурдак оёқ» ҳам керак экан.

«Эту тирноқдай ер билан бир бўлиб ётган қуённи узоқдан кўриш учун кўз керак. Кўз менда ҳам бор-ку, лекин кўролмайман. Дўстим эса кўради. Шунинг учун қари Дурумовга Топоқвой номини берганман», деб ёзади ёзувчи «Топоқвой билан Чопоқвой» ҳикоясида. Шу билан бирга ҳикояда юмор кучли берилади. Ундаги ҳар бир эпизод ва асосий сюжет ҳам шу юморга бўйсундирилган. Чопоқвой қуёнга икки-уч ўқ узади, лекин унга тегмайди. У яна ўқ отади. Шунда отиш бефойда эканлигини билган овчи «этигини шартта ечиб» «яраланган қуённинг изига тушади». Орадаги масофа табора қисқариб, қуёнга яқинлашиб борардим. Охири қуён ҳолдан тойдими, ёки қочиб қутилолмаслигини билдими — тўхтади.

—Аммо бугун итнинг қадри ўтди.

— Жуда югурук экансиз! — деди Топоқвой кула-кула ҳазиллашиб.

— Ўзингиз бор, ит нега керак бизга!

У менинг номимни Чопоқвой қўйди. Ўшандан буён унинг номи Топоқвой, менинг номим Чопоқвой».

Шуниси характерлики, ёзувчи ҳикояларида Ватанимиз кўл ва ўрмонларида, қум ва саҳроларида яшовчи ҳайвонларнинг қолдирган изига, қушларнинг учишига қараб уларни билиб олиш ва топишни, жониворларнинг ички дунёсини табиатшунос сифатида ифодалаб бера олган.


Раҳим Бекниёз ўзини Улуғ Ватан уруши давридан бошлаб овчи деб атайди. «Ўйлаб қарасам менинг овчилигим Улуғ Ватан урушининг шиддатли жанглари орасида бошланган экан. Ҳа, биринчи ўлжамни фашистларни қийратган автоматим билан отиб олганман», — деб ёзади у «Биринчи ўлжа» номли ҳикоясида.

Раҳим Бекниёз болалик чоғлариданоқ табиатнинг мафтуни эди. У ёшлигидан бошлаб Юмалоқ тўқай, Қулончи тўқай, Қаҳрали тўқай, Бадай тўқай, Матниёз жилли тўқайи ва Қорақум барханлари, Полвон канали, Амударё бўйларининг гўзал табиати билан таниш эди. Шунинг учун ҳам ёзувчи ўз ўқувчиларини овчи юрган сўқмоқлардан ҳеч адаштирмай олиб ўтади. У сизни йўлсиз тўппа-тўғри чангалзорлар оралаб гўзал Амударё соҳилларига етаклаб чиқади.

Қисқа қилиб айтганда Раҳим Бекниёз ўзининг Ватан табиати, ов ва овчилик ҳақидаги асарлари билан ўз ўқувчиларини Ватанимиз бойликлари билан таништириб қолмасдан, балки уларни севишни ҳам тарғиб қилади.

Нурмуҳаммад ҚОБУЛОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.





Оталиқдаги болалар уйида

Бир жилмайгин, болажон!

Мана, ўша таниш дарвоза. Ҳозир журъат қилиб, қалб титроғига эътибор бермай ҳовлига кирасиз-у, таниш чеҳраларга дуч келасиз. Улар тарбиячилари қуршовида ўтиришган бўлади.

Ҳар гал мана шу ҳол такрорланади. Бош тарбиячи Фарида Одилова озода, саранжом-саришта, ҳатто ҳар бирига иккитадан анвойи гиламлар илинган ётоқхоналарни кўрсатади. Сиз эса буларнинг ҳаммаси худди мана шундай бўлиши кераклигини ҳис қилиб, кўриб, сўзсиз хонадан хонага одимлайверасиз. Бирдан юрагингизни тушуниб бўлмайдиган «нимадир» эгаллаб олади. Бу ҳол йигирма талаб қатор териб қўйилган оёқ кийимларини, кўйлакларни, тиш ювиш чўткаларини кўрганда пайдо бўлади. Бўлади-ю, кейин сизни тарк этмайди. Ташқарида эса ҳаммасидан устунлик қилган болалик шўхликларининг овози эшитилиб туради.

Мана бу қорачадан келган, қотма йигит — тарбиячи Зокир Қулмуродов. Уни кўриб, куюнчаклигини дарҳол пайқайсиз. Жажжи қизалоқлар қуршовида ўтирган кўп болали ёш отага меҳрингиз ошади.

— Шерзод, тугмангни қадаб олгин, болажон.

— Мамлакат, қани бир жилмайгин, қовоғингни уйиб, юрагимни сиқиб юбординг.

Кейин сизга ўгирилади.

— Бу Мамлакат қизим ҳеч ўсмаяптида, гуруҳдаги энг ушоғи шу, лекин математикадан уста.

Зокирни ҳар гал келганимизда иккинчи қаватдаги охирги хонадан топамиз. Бу хона аввал ташландиқроқ — ювиниш хонасига мўлжалланган бўлиб, ванналар турарди. Зокир у ерни жиҳозлаб, гуруҳидаги болалар учун ечиниш хонасига айлантирди.

— Жой етишмаганидан шундай қилдик. Ётоқхонани кенгайтириш керак. Бир хонада йигирма бола ухлайди. Ёз ойлари жуда қийин бўлади.

— Биласизми, энг ёмони сохта меҳр-оқибат экан, унинг боридан йўғи афзалроқ, — давом этади Зокир. — Бу ерда ота-онаси бор болалар ҳам талайгина. Улар фарзандларини рус тилини мукаммал ўрганишлари учун олиб келишган. Билмадим, гўдакларнинг меҳрига рахна тушишидан қўрқишмас эканми.

Бир куни икки бола тортишаётган экан. Уларнинг бири ниҳоят «портлади»:

— Кўп ота-онам бор деб керилаверма. Ҳақиқий отаонанг бўлишганда сени болалар уйига топшириб қўйишмас эди.

Иккинчисининг ҳолатини тасаввур қиласан. Бу гапдан кейин унинг ота-онасига нисбатан меҳри совумасмикан?

Ҳалидан бери мухбиримиз Муҳаммад АМИН тинмай суратга оляпти. Бола бола-да. Ўзининг спортчи, қўшиқчи, зўр раққоса эканини кўрсатиб, суратга тушишни истайди.

Сизнинг хаёлингизни эса минг хил фикрлар ўзиники қилиб олган. Нимага ўзбек болалари ўз тилларида гаплаша олишмайди? Нимага болалар уйидаги тарбия ҳар томонлама миллийликдан йироқ? Нимага бундай даргоҳларда ўзбек синфлари жуда кам?

Аввало, гўдаклар уйида, мактабгача ёшдаги болалар уйларида ўзбек тилида машғулотлар олиб бориш, ўзбек гуруҳлари очиш лозим. Зеро, гувоҳномаларидаги «ўзбек» сўзини улар катта бўлиб таржима қилиб қийналиб ўтиришмасин.

Ҳозирча эса фотоаппаратнинг овозига қулоқ солинг. У қувноқ дамларни муҳрлаяпти. Дарвоқе, бу ерга «байрам» баҳона ташриф буюрган эдик. Ахир бугун болаларни ҳимоя қилиш Халқаро куни. Бироқ, уларни нафақат бугун, ҳар соат, ҳар кун ҳимоя қилиш керак эмасми? Бало-қазолардан, алдовлардан, дард-у ташвишлардан. Шуларни ўйлайсиз-у, ишқилиб катталарнинг ўзига инсоф берсин, дейсиз.

Болажон, бир кулгин — дардингни унут. Ана, онаизорингнинг овозини эшит:

— Қадамингда гуллар очилсин, болам.


Гул — шодумон кўнгилга ярашади.

Гули ЧЕҲРА,
Фурқат НЕЪМАТ,
«Ёш ленинчи» мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: Самарқанд вилояти Пастдарғом ноҳиясидаги 55-болалар мактаб-интернати тарбияланувчилари ҳаётидан лавҳалар.







ҚУВОНИШГА ҲАЛИ ЭРТА

Рўзномамизга ҳар куни юзлаб хатлар келади. Улар орасида ҳали-ҳали кўнгли тинчимаётган, ўтган йилги шунча дилхираликларни эсдан чиқариб, севимли «Пахтакор»ларига омад тилаётган сабр-бардошли футбол мухлисларининг ҳам дил сўзлари битилган мактублар бор. Ҳозирдан бирон жўялироқ гап айтиш мушкул. Биздан кўра ҳар бир ўйинни синчковлик билан кузатиб бораётган ишқибозларга чемпионат ўйинларидаги вазият беш қўлдек аён. Хуллас, қайси команда бу йил биринчи лигадан олий лигага йўлланма олади? Қайсиниси тарк этади? Бунисини вақтдан бошқа ҳеч нарса аниқлаб беролмайди.

Энди чемпионат ўйинларига назар ташлайлик. Навбатдаги ўн иккинчи тур учрашувлари ҳам ниҳоясига етди. «Пахтакор» бироз танаффусдан сўнг Кемеровода маҳаллий «Кузбасс» командасига қарши майдонга тушди. Радиорепортажни тинглаган мухлисларимизга ўйин ҳақида батафсил маълумот бериш шарт эмас. Шундай бўлса-да, эслатиб ўтамиз: ҳисобни биринчи бўлиб пахтакорчилар очишди. Иккинчи бўлимда мезбонлар мувозанатни тенглаштирдилар. Учрашув тақдирини кейинги тўп ҳал қилди. Ҳисоб 1-2. Иккала тўпни пахтакорчи Игорь Шквирин киритди.

Қолган ўйинлар натижалари қуйидагича: «Динамо» Сх — «Кубань» — 1:0, «Геолог» — «Динамо» Ст.— 0:1, «Шинник» — «Ростсельмаш» — 5:0, «Спартак» «Локомотив» Г— 3:0, «Котайк» — «Факел» — 1:1, «Таврия» — «Нефтчи» — 2:2, «Тирас» — «Зенит» 0:2, «Локомотив» М— «Қайрат» — 1:0.

МУСОБАҚА ЖАДВАЛИ

	Ў.	Ю.	Д.	М.	Т.	Ю.
«Спартак»	9	6	2	1	19—4	14
«Металлург»	10	5	4	1	10—3	14
«Локомотив» М	9	5	3	1	12—5	13
«Динамо» Ст	10	5	3	2	15—12	13
«Пахтакор»	10	5	3	2	16—14	13
«Кайрат»	11	5	2	4	14—11	12
«Шинник»	10	4	4	2	10—7	12
«Геолог»	10	4	4	2	10—9	12
«Факел»	11	4	3	4	13—11	11
«Котайк»	10	3	5	2	10—5	11
«Ростсельмаш»	10	3	2	5	11—4	8
«Нефтчи»	9	2	4	3	14—13	8
«Локомотив» Г	10	2	4	4	7—11	8
«Таврия»	9	0	8	1	3—4	8
«Зенит»	8	2	3	3	7—9	7
«Нистру»	10	1	5	4	11—10	7
«Тирас»	9	1	5	3	6—12	7
«Динамо» Сх.	6	2	2	2	2—3	6
«Кубань»	8	1	2	5	3—15	4
«Кузбасс»	11	0	2	9	4—16	2

ДОРИЛФУНУНДА ЁЗУВЧИ САБОҚЛАРИ

МАНА ИККИ йилдирки, Тошкент Давлат дорилфунунининг педагогика кафедраси ўқитувчилари ибратли тадбирни амалга ошириб келаяптилар. Кафедра ўқитувчилари таълим, тарбия назариясига бағишланган дарсларни ёзувчилар, санъаткорлар, таниқли олимлар, спортчилар ва бошқа касб вакиллари иштирокида ўтаяптилар.

Яқинда шундай тадбирлардан бири шарқ тиллари факультетининг 3-курсида бўлиб ўтди. Дарсда «Шарқ юлдузи» журналининг бош муҳаррири Ўткир Ҳошимов ва шоир Мирза Кенжабоевлар иштирок этдилар. Дастлаб сўз олган Ў. Ҳошимов аҳлоқ тушунчаси, хусусан, аҳлоқий тарбия ҳақида батафсил тўхталди. Илмий-атеистик тарбия мавзусининг долзарблиги ҳақида гапирар экан, журнал ҳайъати бу борада фаол иш олиб бораётганлигини таъкидлади. Шоир Мирза Кенжабоевнинг ёшлар аҳлоқи ҳақидаги фикрлари талабалар томонидан қизиқиш билан тингланди.

Жуғрофия факультетининг 3-курс кечки бўлимида ёзувчи Ҳабибулло Олимжонов олиб борган дарс ҳам аҳлоқ мавзусига бағишланди. Ҳ. Олимжонов аҳлоқ кўпқиррали тушунча эканлигини, кишининг аҳлоқий тарбиялаш даражаси кўп нарсани ҳал қилиши ҳақида гапириб, ўзи кузатган, яқинда чоп этилган «Ҳақиқат» қиссасига асос бўлган бир қатор ҳаётий воқеаларни гапириб берди.

Махсуд РАИМОВ,
ТошДУ ўқитувчиси.

ТВ

2 ИЮНЬ — ШАНБА

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

10.00 «Ҳужжатли экран». Кинокўрсатув. 10.45 «Пан Кляксанинг саёҳати». Бадиий фильм. 1-серия (СССР — Польша). 12.15 «Чорраҳа». 12.45 Болалар учун театр. «Тадбиркор олмахон». А. Мажидий номли Каттақўрғон вилояти мусиқий драма ва комедия театрининг спектакли. 13.35 «Сувда эҳтиёт бўлинг!». 13.45 «Деҳқон ва замон». Қишлоқ меҳнаткашлари учун кўрсатув. 14.45 Спорт кўрсатувлари: 1. Регби бўйича СССР чемпионати. «Звезда» (Тошкент) — «Луч» (Новокузнецк). 2. «Саломат бўлинг!».

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Тенгдошлар». 18.50 «Ёшлар овози». Адабий кўрсатув. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 20.15 «Оқшом эртаклари». 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Дилдаги гаплар...». Ўзбекистон ССР халқ артисти Фаррух Зокиров билан учрашув. 22.00 «Ҳафтанома». 22.40 «Умр ўтмоқдадир...». Тўра Сулаймон. Мусиқий кўрсатув. 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Савту калом». Ҳофиз шеърлари асосида адабий-мусиқий кўрсатув. 9.55 «Қизил майдон». Бадиий фильм. 1, 2-сериялар.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Мультфильмлар программаси: «Ромка, Фомка ва Артос», «Фил ва кўпикча», «Ҳамма учун уй», «Вувимнинг сабоғи». 18.50 «Лабиринт». Ўсмирлар ва кино. 19.30 «Новости». 19.50 «Меҳргоҳи дўсти». Жиргитал райони. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Армуғон». Мусиқий программа. 21.50 «Шундай бир жой бор». Кинолавҳа. 22.00 «Ахбор». 22.20 «Фарҳанг ва ҳунар».

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.05 «Сиз яратган боғ». 8.35 «Эртакдаги эртак». Мультфильм. 3-қисм. 8.50 «Александр Невский». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Лентелефильм»). 9.50 «Партнёр». Тижорат хабарномаси. 10.20 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Урушнинг узундан узоқ йўллари». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2 ва 3-сериялар («Беларусьфильм»). 12.35 М. Равель. Ми минор триоси. «Бозар» триоси ижро этади (АҚШ). 13.05 Киноафиша. 14.05 «Ҳайвонот оламида». 15.05 Сиёсий мулоқотлар. 15.35 «Бутерброд уруши хроникаси». Мультфильм. 16.00 Режиссёр К. Кийск фильмлари. «Ўрмон бинафшалари» («Таллинфильм»). 17.30 Америка киноси саҳифаларида. 1-сони. 18.15 «Ер — она масканимиз». Фотоконкурс. 19.20 «Бемаврид». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар («Беларусьфильм»). Премьера. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 «Владимир Плясников томошаси». 22.10 «Нигоҳ». 23.55 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

7.30 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 7.45 В. Беляев. «Заречная тарафида» вокал туркуми. 8.10 «Владивосток, 1981 йил». Бадиий фильм, субтитр билан (М. Горький номли киностудия). 9.25 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. «Фермерлар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Киев). 9.45 Миллий баскетбол ассоциацияси профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича АҚШ чемпионати. 10.45 «Оила» телепрограммаси. 11.45 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 12.15 Теннис. Франциянинг очиқ чемпионати. Франциядан кўрсатилади. 13.15 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 13.20 «Совет Россияси» видеоканали. 15.50 «Пи» белгиси билан». 1-қисм. 16.50 «Рамзеснинг ҳунарлари». Мультфильм. 1-фильм. 17.00 «Ер билан шартнома». Ҳужжатли фильм премьераси («Моонсундфильм»). 17.15 «Пи» белгиси билан. 2-қисм. 18.30 «Гармонь янграган жойга борамиз». Пятигорскдан кўрсатилади. 19.00 Информацион программа. Танаффус пайтида (19.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қорбобо ва ёз». Мультфильм.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.



МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р — 03267. Д. — 23475.